

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим
Вазирлиги**

Тошкент Молия Институту

Т.М. Қоралиев тахрири остида

**ПУЛ КРЕДИТ
ОРҚАЛИ
МУВОФИҚЛАШТИ
РИШ**

Дарслик

Тошкент 2007 йил

**Т.М. Қоралиев ва бошқалар. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш.
Дарслик. Тошкент Молия Институти 2007 йилбет**

Ушбу дарслик Кадрлар тайёрлаш бўйича таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган намунавий ўқув дастури асосида яратилган.

Дарсликда эркин бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштириш асослари, пул массасини бошқариш, уларнинг объекти, субъекти ва мақсадлари, пул-кредит сиёсатининг назарий асослари ҳамда Республикамизда эмиссион-касса операцияларини амалга ошириш тартиби ёритилган.

Марказий банкнинг мақоми, унинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш инструментлари талқин қилинган.

Дарслик Олий ўқув юртлари ва коллежларнинг “Банк иши” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалари, банк ходимлари ва банк иши қизиқувчи иқтисодчилар учун мўлжалланган.

Дарслик муаллифлари: проф. Т.М. Қоралиев (раҳбар)-кириш, I, II-
боблар; доц. С.Х. Норқобилов-III боб; доц. Т.Бобоқулов - IV боб; к.ўқ.
Н.Эрназаров-V боб ва катта ўқитувчи Ў.Абдуллаев-VI боб;

Дарслик тўғрисида фикр ва мулоҳазаларингизни Тошкент Молия Институтининг “Банк иши” кафедрасига йўллашларингиз мумкин.

Дарслик Тошкент Молия Институти Илмий-услубий Кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар: и.ф.д проф. Т.С.Маликов
и.ф.д. проф. О.Ю.Рашидов

Мундарижа	
Кириш	
I боб. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш асослари	
1.1. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш фанининг предмети	
1.2. Режали иқтисодиёт шароитида пул муомаласининг бошқаришнинг айрим жиҳатлари	
1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштириш асослари	
II боб. Марказий банк-пул муомиласини мувофиқлаштирувчи орган сифатида	
2.1. Марказий банкни ташкил этиш шакллари, мақоми ва мустақиллиги	
2.2. Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари	
2.3. Монетар сиёсатининг асосий йўналишлари	
III боб. Пул-кредит механизми тартибга солишнинг назарий асослари	
3.1. Металлик ва номиналлик пул назариялари	
3.2. Микдорийлик пул назариялари ва уларнинг турлари	
IV боб. Марказий банк пул-кредит сиёсатининг традицион (анъанавий) инструментлари	
4.1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати	
4.2. Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати	
4.3. Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати	
4.4. Марказий банкнинг валюта сиёсати	
V боб. Эмиссия-касса операцияларни ташкил этиш	
5.1. Касса операциялари ва уларни ташкил этиш	
5.2. Инкасация хизматини ташкил этиш	
5.3. Эмиссия операцияларини ташкил этиш	
VI боб. Пул муомаласини прогнозлаштириш	
6.1. Пул муомаласини прогнозлаштириш муаммолари	
6.2. Касса прогнозини ҳисоб-китоб қилиш ва унга амал қилишнинг назорати	

**Пул зарб этиш уни муомалага
киритиш қийин иш эмас.
Энг муҳими унинг кейинги тақдирidir.**

Ислон Каримов

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини барқарорлаштириш доимо иқтисодиётни кризис ҳолатидан қутқаришнинг энг долзарб шартларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий кризислар эса турли мамлакатларда ўзининг кулами турлича бўлими билан бирга мамлакатнинг молия, пул кредит тизимига чуқур таъсир кўрсатади. Шундай экан, молия пул-кредит тизими ва сиёсатларининг такомиллашиб бориши мамлакат иқтисодий ҳаётининг муҳим буғини бўлиб қолади. Айниқса иқтисодий глобаллашув, мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграллашувининг ўсиб бориши шароитида пул муомаласининг барқарорлигини таъминлаш масаласи эътиборли аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда пул муомаласининг муомалалари иқтисодчи олимлар орасида тез-тез тортишувлар, баҳслашишлар, илмий конференция ва симпозиумлар ўтказиш объекти ҳисобланмоқда. Пул муомаласини барқарорлаштириш иқтисодиётнинг соғломлаштиришнинг асосий олимларидан бири бўлиб қолмоқда. Собиқ маъмурий буйруқбозлик орқали иқтисодиётни бошқариш тизимида пул-кредит сиёсатининг деярли йўқлиги оқибатида пул муомаласининг “арзон пуллар” билан тулдириш натижасида инфляция жароёнларнинг портлашига олиб келди. Бошқарувнинг иқтисодий методларига ўтиш иқтисодиётнинг бозор моделининг таркиб топишида банк тизимида чуқур ўзгаришлар юзага келишига ва иқтисодиётга пул-кредит орқали таъсир кўрсатишнинг яхлит механизми яралишига сабаб бўлди. Пул-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш назарий асослари бўлиб пулнинг миқдорийлик назарияси ва унинг Кейнсчилар ва монетаристларнинг пул назариялари иқтисодиётни пул-кредит сиёсати орқали мувофиқлаштиришнинг назарий асосининг ўзаги ҳозирги замон талқини ҳисобланади. Ҳозирги замон пул-кредит сиёсатининг институтчионал асосини бозор механизми ташкил этади. Бозор тизимида кредит ресурслари бозори ва пул бозорининг иқтисодиётни мувофиқлаштиришдаги роли бекиёсдир. Маълумки пул бозорида унга бўлган талаб ва таклиф мужассамланади ва унинг замирида баҳо яъни ссуда фоизи аниқланади. Бозор иқтисодиёти шароитида икки поғонали банк тизимининг ташкил этилиши ва қонун асосида Марказий банкка пул муомаласини мувофиқлаштириш вазифасининг юклатилиши Марказий банк томонидан ушбу мақсадга эришиш учун мустақил равишда пул-кредит сиёсатининг юргизишини талаб қилади. Пул-кредит орқали мувофиқлаштиришдан асосий мақсад мамлакат пул бирлиги қадрсизланишини олдини олишдан иборат. Пул бирлиги қадрини таъминлаш эса пул муомаласини тартибга солиш, муомаладаги пул массасини бошқариш билан амалга оширилади. Муомаладаги пул массасини унинг нақд пулга айланиш имкониятларини инобатга олган ҳолда пул агрегатларига ажратиш ва уларни иқтисодиётнинг ҳолатига мос равишда бошқариш талаб этилади. Муомаладаги пул массасини иқтисодиётнинг ўсиш ёки таназзул ҳолатига мувофиқлаштириш эса пул-кредит сиёсатлари инструментларидан фойдаланишни тақозо этади. Пул-кредит инструментлари орқали пул бозорида пулнинг таклифи, талаби ёки унинг баҳосига таъсир кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, пул бозорида “арзон” ёки “қиммат” пулларни ташкил этиш орқали муомаладаги пул массаси иқтисодиётнинг ҳолатига мувофиқлаштирилади. Ҳозирги вақтда Марказий банклар пул-кредит сиёсатининг дисконт ёки қайта молиялаштириш, очиқ бозордаги операциялар, мажбурий

резерв нормаси, валюта сиёсати ва бошқа инструментлардан кенг фойдаланилади. Ушбу инструментларнинг бири ёки бир нечтаси танлаб фойдаланиш, уларнинг самарадорлик даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида касса эмиссион ишларни туғри ташкил этиш, нақд пул оборотини доимий равишда прогнозлаштириб бориш ҳам пул муомаласини мувофиқлаштиришнинг муҳим дастакларидан ҳисобланади. Булар орқали нақд пулга бўлган талаб ва унинг ўз вақтида тўлақонли равишда қолдириш массалари ҳал қилинади.

Шундай экан, пул-кредит орқали иқтисодиётни мувофиқлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади ва у иқтисодиётни бошқаришнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

I-БОБ. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш асослари

1.1. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш фанининг предмети

Товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши даврида пул муомаласи, уни тўлиқ ўрганиш, таҳлил қилиш ва бошқариш муаммолари иқтисодчи олимлар диққат эътиборида бўлди.

Айниқса монометализм ва биметаллизм давридан сўнг муомалада ҳақиқий реал пуллар ўрнига уларнинг ўринбосарлари – қоғоз ва кредит пулларининг пайдо бўлиши, уларнинг иқтисодий тараққиётнинг маълум фазаларида сотиб олиш қувватининг ўзгариши, муомаладаги товарлар ва хизматлар ҳажми билан пул массаси ўртасидаги боғлиқликлар чуқур иқтисодий таҳлилга асос бўлди.

Ушбулар, ривожланган товар-пул муносабатлари мавжуд шарт-шароитда пул муомаласини иқтисодий, илмий асосланган равишда бошқариш лозимлигини тақозо этади.

Натижада ривожланишнинг турли босқичларида етакчи иқтисодчи олимлар томонидан пул назариялари, пул-кредит сиёсати, монетар сиёсат тўғрисида алоҳида илмий изланишлар олиб борилди. Улар ҳақида дарслигимизнинг кейинги бобларида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш фани пул муомаласини бошқариш, муомаладаги пул массаси ва унинг таркибий қисми, пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган, пул муомаласини мувофиқлаштириш усуллари, тамойиллари ҳамда Марказий банкнинг пул муомаласини мувофиқлаштириш мақсадида қўлланиладиган пул-кредит сиёсати инструментлари, уларнинг моҳияти ва мақсадини ўрганади.

Шу билан бирга, муомалага нақд пул чиқариш, муомаладаги вақтинча ортиқча пул маблағлари захирасини яратиш ҳамда иқтисодиётда касса амалиётини ташкил этиш тартиблари ўрганилади.

Муомала учун зарур бўлган нақд пул массасини олдиндан прогнозлаштириб бориш мақсадида банклар томонидан касса оборотларини олдиндан прогнозлаш тартиби ўрганилади.

Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш фанининг назарий асоси бўлиб «Иқтисодиёт назарияси», «Пул, кредит ва банклар» каби назарий фанлар ҳисобланади. Фанни ўрганишда етакчи пул-кредит, монетар назарий қарашлар асос қилиб олинган.

Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш фани “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги”, “Банкларда бухгалтерия ҳисоби” каби амалий фанларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Чунки пул муомаласини бошқариш Марказий банкнинг асосий вазифаси бўлиши билан бир қаторда, унинг самарадорлиги бутун банк тизими фаолияти ва барқарорлиги билан чамбарчас равишда боғлиқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштириш, реал бозор шароитида пул таклифи ва унга бўлган талабни тартибга солиш, иқтисодиётга пул-кредит орқали таъсир кўрсатиш, иқтисодиётни мувофиқлаштиришнинг энг муҳим элементи ҳисобланади.

Пул-кредит воситасида иқтисодиётга таъсир кўрсатиш, асосан мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлаш, инфляцион жараённи жиловлаш, товар-пул муносабатларининг стабиллигини таъминлашга қаратилгандир.

Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш бозор иқтисодиёти қонуниятларига тўлиқ хос ва мос равишда амалга оширилиши лозим.

Замонавий пул-кредит сиёсатининг институтчионал асосларидан бўлиб бозор тизими ҳисобланади.

Пул-кредит соҳасида бозор тизимисиз икки поғонали банк тизимининг самарали фаолият юритишини тасаввур этиш қийин. Бозор иқтисодиёти иқтисодиётни пул-кредит

воситасида мувофиқлаштиришнинг бош мезони ҳисобланади. Унда турли муддатларга мўлжалланган кредитга бўлган талаб ва таклиф, пул баҳоси (фоизлар) каби монетар сиёсатнинг асосий элементлари вужудга келади.

Пул-кредит соҳасида бозорларни таснифлаш асосида асосан қуйидаги уч белги ётади: битим объекти, қатнашувчилар таркиби ва битим муддати. Ушбулар инobatга олинган ҳолда бозорларнинг икки тури фарқланади. Улар кредит ва молия бозорлари, охир оқибатда улар ҳам аниқ соҳаларга ажралади.

Кредит бозорлари банклараро кредит ресурслари ва пул бозорларини ўз ичига олади. Банклараро кредит ресурслари бозори иштирокчилари фақат банклар ҳисобланади ва у ерда банкларнинг ликвидлигини доимий равишда ушлаб туриш мақсадида яъни актив ва пассив операциялари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш учун асосан қисқа муддатли вақтинча бўш пул ресурслари савдоси амалга оширилади. Банкларнинг мулкчилик шаклларида қатъий назар бир-бирларига кредит ресурсларини сотиши ва сотиб олиниши улар ўртасидаги бозор тамойилларига мос равишдаги горизонтал муносабатларнинг келиб чиқишига асос ҳисобланади.

Пул бозорининг ҳарактерли хусусияти шундан иборатки, унинг иштирокчилари ва битимларнинг шакли турли-туманлигидадир. Пул бозорининг иштирокчилари банклар; корхона, ташкилот, муассасалар; молиявий муассасалар; суғурта компаниялари; пенсия фондлари; кредит уюшмалари; инвестицион компаниялар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Пул бозорида унга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда унинг баҳоси, фоиз вужудга келади.

Ушбу ссуда фоизининг даражаси пул-кредит сиёсати инструментлари таъсир кўрсатувчи восита ҳисобланади яъни фоиз нормасига таъсир кўрсатиш орқали муомаладаги пул массасига таъсир кўрсатилади.

Шундай экан, **бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит орқали мувофиқлаштиришнинг объекти бўлиб пул бозоридаги талаб ва таклиф ҳамда унинг натижасида вужудга келадиган фоиз нормаси ҳисобланади. Пул-кредит орқали мувофиқлаштириш субъекти бўлиб эса мамлакат Марказий банки ҳисобланади.**

1.2. Собиқ Иттифоқ даврида пул муомаласини бошқаришнинг айрим жиҳатлари

Собиқ Иттифоқининг режали иқтисодиёт даврида пул муомаласини бошқариш ҳам махсус режаларга асосланган ҳолда амалга оширилган. У даврда, маълумки, иқтисодиёт мулкчилик шаклининг ягоналигига яъни давлат мулкнинг (шахсий мулкдан ташқари) ҳукмронлигига асосланган.

Пул муомаласи тушунчаси тор маънода фақат нақд пул оборотини англатган. Шунинг учун ҳам пул муомаласини мувофиқлаштириш фақат нақд пул оборотини бошқариш, уни режалаштириш ва ушбу режанинг барча бўғинларда бажарилишини назорат қилиш билан чегараланган.

Корхона ташкилот муассасаларининг банклардаги ҳисобрақамлардаги пул маблағларини тасарруф қилиш қонун ва қоидалари давлат томонидан яратилган. Барча мулк эгаси давлат ҳисобланган. Ушбу шароитда бутун мамлакат пул обороти икки қисмга : нақд пул обороти ва нақд пул иштирокисиз амалга оширилган пул оборотларига ажратилган ва юқорида таъкидлангани каби фақат нақд пул оборотини режалаштириб бошқариш орқали пул муомаласини мувофиқлаштиришга эришилган.

Режали иқтисодиёт даврида пул муомаласини мувофиқлаштириш учун қуйидаги воситалардан кенг равишда фойдаланилган:

- 1. Давлат банки бўлимларининг касса плани ;**
- 2. Аҳолининг даромад ва ҳаражатлар баланси ;**
- 3. Давлат банки томонидан корхона, ташкилот ва муассалар иш ҳақи фондининг ишлатилиши устидан ўрнатилган назорат;**

4. Давлат банки томонидан корхона, ташкилот ва муассаларнинг касса интизомига риоя этишининг назорати.

5. Корхона, ташкилот ва муассалар томонидан нақд пуллик ва нақд пул иштирокисиз амалга ошириладиган ҳисоб – китобларни амалга ошириш қоидаларига риоя қилиниши устидан банк назорати.

Давлат банки бўлимларининг касса плани ҳар бир банк бўлими томонидан режалаштирилаётган квартал бошланишидан 60 кун аввал мижозларининг касса режалари кўрсаткичларига асосланган ҳолда тўзилар эди.

Унда режалаштирилаётган квартал давомида банк кассасига қаердан ва қанча нақд пул келиб тушиши, банк кассасидан ушбу даврда нима мақсадларга ва қанча нақд пул берилиши ҳамда муомалага қўшимча нақд пул маблағлари чиқарилиши ёки муомаладан захирага қанча нақд пул маблағлари олинини акс эттирувчи эмиссион натижа ифодаланиши лозим эди.

Банк бўлимларида тўзилган касса режаси вертикал равишда пастдан юқори ташкилотларга юборилар ва юқоридан тасдиқлаиб қуйи органларга квартал бошланишидан 10 кун олдин келиб тушар эди. Юқори ташкилотдан тасдиқланган режа эса қуйи ташкилотлар учун бажарилиши шарт ҳисобланган. Шунинг учун давлат банки бўлимлари тасдиқланган касса режасининг бажарилишининг доимий равишда кўзатиб боришлари шарт эди. Кундалик кўзатувлар натижасида ҳар беш кунда унинг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тайёрланар эди. 5-10 кунлик ҳисоботлар таҳлили асосида касса режасини бажариш чора – тадбирлари ишлаб чиқилар эди.

Бунинг учун кунлик савдо тушуми режасининг бажарилиши, майда улгуржи савдо режасига риоя қилиниши, тушумларнинг ўз вақтида ва тўлиқ инкассацияланиши, хўжаликлар томонидан касса қолдиғи лимитига риоя қилиниши давлат банки бўлимлари томонидан доимий равишда назоратга олинар эди.

Юқоридагиларнинг барчаси муомаладаги нақд пул массасини товарлар ва хизматлар ҳажми билан мутаносиб равишда ушлаш орқали пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

Аҳоли даромад ва ҳаражатлари баланси ҳам асосан нақд пул миграциясини аниқлаш ва у орқали нақд пул муомаласини бошқаришга хизмат қилган.

Аҳоли даромад ва ҳаражатлари баланси асосан кварталларга ажратилган ҳолда 1 йиллик даврга тўзилган. Унда ҳудуд аҳолисининг йил давомидаги даромадлари ва уларнинг манбалари, ҳаражатлари ва уларнинг йўналиши ҳамда аҳоли қўлида қоладиган пул маблағларининг ўзгариши, кўпайиши ёки камайиши акс эттирилган.

Режали иқтисодиёт даврида давлат банки бўлимлари томонидан ўз мижозларининг иш ҳақи фондидан фойдаланиши ҳар кварталда бир марта текширилиб борилган. Чунки барча корхона ва ташкилотлар давлат мулки, уларга иш ҳақи фонди давлат томонидан тасдиқланган ва унинг ишлатилиши давлат органи – давлат банки томонидан назорат қилиб борилган. Мақсад, иш ҳақи фондидан фойдаланиш билан ишлаб чиқариш ва хизматлар қўлаи ўртасидаги мутаносибликни ушлаб туришдан иборат бўлган яъни иш ҳақининг ўсиш даражаси паст бўлишига эришилган.

Бундан ташқари биз юқорида тўхталиб ўтган банк бўлимлари касса режасининг бажарилишини таъминлашда ҳам корхоналар иш ҳақи фонди ҳаражатларини назорат қилиш муҳим роль ўйнаган, чунки касса режасининг чиқим қисми асосан иш ҳақига бериладиган нақд пул чиқимлари ташкил этган.

Режали иқтисодиёт даврида барча корхона, ташкилот ва муассалар томонидан риоя қилиниши мажбурий бўлган касса операцияларини юритиш қоидалари мавжуд бўлган.

Давлат банки бўлимлари – давлатнинг назорат органлари сифатида хўжаликлар томонидан касса интизомига риоя қилиниши доимий равишда назорат қилиб борилган. Мақсад, биринчидан, давлат мулкининг бутлигини назорат қилиш бўлса, иккинчидан, нақд пул муомаласини режага мувофиқ бошқариш учун хизмат қилган. Касса интизоми

назорат қилинганда даставвал банк кассасидан олинган маблағларнинг ўз вақтида ва тўлиқ хўжалик кассасига кириш қилинганлиги, олинган маблағларнинг ўз вақтида мақсадли ишлатилганлиги, кассага бошқа нақд пул тушумлари ва уларнинг ўрнатилган муддатида банк кассаларига топширилиши ҳамда касса қолдиқларининг банк томонидан ўрнатилган касса қолдиғи лимитларига мос келиш ёки келмаслиги текширилган.

Режали иқтисодиёт даврида, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, нақд пул обороти ва нақд пулсиз ҳисоб- китоблар оралиғида мустаҳкам “чегара” ўрнатилган. Нақд пуллик ҳисоб-китоблар доираси қонун, қарор ёки махсус йўриқномалар билан белгилаб берилган. Ушбу доирадан ташқаридаги ҳисоб-китоблар фақат нақд пулсиз яъни ҳисобрақамлардан пул кўчирилиши йўли билан амалга оширилган.

Юқорида тўхталиб ўтилган тадбирларни амалга оширган ҳолда бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини бошқариш ёки тартибга солишнинг иложи йўқ. Чунки биринчидан бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг давлат мулкидан ташқари турли шакллари пайдо бўлди ва ривожланди. Иккинчидан мулкчилик шаклларининг ўзгариши натижасида нақд пул обороти ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасидаги чегара емирилиб, улар ўртасидаги тафовутлар йўқолиб боради. Банклардаги ҳисобрақам соҳиблари ўзларининг ҳисобрақамларида мавжуд пул маблағларидан исталган шаклда тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шундай қилиб, эркин бозор иқтисодиёти шароитида бозор қонуниятларига мос равишда пул муомаласини мувофиқлаштириш лозим бўлади.

1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштириш асослари

Шундай қилиб, эркин бозор иқтисодиёти даврида пул муомаласи тушунчаси нафақат муомаладаги нақд пуллар айланишини, балки у билан бирга нақд пулсиз амалга ошириладиган ҳисоб-китобларни ҳам ўз ичига олиши ўз исботини топган.

Демак, эркин бозор шароитида пул муомаласини мувофиқлаштириш деганда, албатта бутун пул оборотини, муомаладаги жами пул массасини бошқариш тушунилади.

Бизга маълумки, муомаладаги нақд пул массаси банклар оборот кассаларидаги, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, ташкилот ва муассасалар кассаларидаги ва аҳоли қўлидаги нақд пуллардан ташкил топади.

Муомаладаги пул массаси эса нақд пуллардан ташқари нақд пулсиз турли шакллардаги ҳисобрақамларда мавжуд пул маблағларини ҳам ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда пул массасини бошқаришда уларни маълум бир пул агрегатларига бўлиб ўрганиш орқали амалга оширилади.

Одатда М1; М2; М3 пул агрегатларига ажратилади.

Масалан, АҚШ да пул агрегатлари қуйидагиларни ўз ичига олади.

М1- нақд пуллар ва трасакцион депозитлардан ташкил топади. Трасакцион депозитлар ўз навбатида талаб қилиб олинган депозитлар ва бошқа чек депозитларидан ташкил топади. Талаб қилиб олинган депозитлар – бу уларнинг қолдиғи учун одатда банклар томонидан фоиз тўловлари тўланмайдиган ва унинг соҳибларига ундаги маблағлардан хоҳлаган вақтларида чеклар ва электрон пул ўтказмалари воситасида фойдаланиш ҳуқуқини берувчи депозит маблағларидир. Бошқа чек депозитлари – бу уларнинг соҳибларига фоиз даромадини олиш ҳуқуқини берувчи ва ундан маблағлардан чек ёки электрон тўловлар воситасида фойдаланиши мумкин бўлган депозитлардир.

М2- пул агрегати, М1 пул агрегати билан жамғарма депозитлар, муддатли омонатлар, биркунлик қайта сотиб олишга келишилган келишувлар, евро-долларлардаги бир кунлик заёмлар ҳамда пул бозорининг оила хўжалигига тегишли бўлган ўзаро фондларидан ташкил топади.

Жамғарма депозитлар – фоиз шаклида даромад келтирувчи депозит институтларидаги депозитлар бўлиб, уларнинг соҳиблари хоҳлаган вақтда олиш ҳуқуқига эгадирлар. Улардан чекдан фойдаланиши орқали тасарруф этиш ҳуқуқини бермайди.

Муддатли омонатлар – депозит институтларидаги шартнома орқали келишилган муддатгача сақланадиган ва соҳибига ушбу давр мобайнида фоиз шаклида даромад келтирувчи маблағлардир. Қайта сотиб олишга келишилган биркунлик битимлар (RP) – фирма ёки жисмоний шахс томонидан молиявий муассасалардан қимматли қоғозларни сотиб олишга ва бир кундан кейин келишилган баҳоларда қайта сотишга келишилган битимлар.

Европадаги биркунлик заёмлар –АҚШ дан ташқаридаги депозит институтларининг бир кунга сотиб олиб кейин қайта сотиш учун келишилган қисқа муддатли активлари.

М3 – пул агрегати – М2 пул агрегати, депозит сертификатлари, муддатли RP ва евро-долларлардаги муддатли заёмлар ҳамда пул бозорининг М1 фондлари акциялари. Депозит сертификатлари –бу одатда \$100000 дан кам бўлмаган миқдордаги муддатли депозитлардир.

Туркияда пул агрегатлари қуйидагича тақсимланади:

М1-муомаладаги нақд пуллар, талаб қилиб олинган депозитлар, тижорий мақсаддаги талаб қилиб олинадиган депозитлар ва Туркия Марказий банкидаги депозитлардан ташкил топади .

М2 - М1 пул агрегати, муддатли депозитлар ва депозит сертификатларидан иборат.

М2а -М2 пул агрегати ва чет Эл валюталардаги депозитлар.

М3а - М2а пул агрегати ва давлатнинг талаб қилиб олингунча ҳамда муддатли депозитлари .

М3- М2 пул агрегати ва ва Туркия Марказий банкидаги бошқа депозитлардан ташкил топади.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда пул муомаласини бошқаришда қуйидаги пул агрегатларидан фойдаланилади:

М0 - муомаладаги нақд пуллар.

М1 –М0 пул агрегати ва талаб қилиб олинган ҳисобрақамлар қолдиқлари.

М2-М1 пул агрегати ва муддатли депозитлар .

М3-М2 пул агрегати, депозит сертификатлари, мақсадли заём облигациялари, давлат заёми облигациялари, хазина мажбуриятларидан ташкил топади.

Пул муомаласини мувофиқлаштиришда муомалададаги пул массасини пул агрегатларига бўлиб ўрганиш ва алоҳида пул агрегатига таъсир кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштиришда пул, кредит мултипликаторлари ва уларни тўлиқ инobatга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Кредит мултипликаторининг моҳияти шундан иборатки кредит механизмининг мавжудлиги туфайли маълум бир тижорат банки томонидан очиқ бозорлардаги операциялар ҳисобига Марказий банкдан олган кредит ресурсларидан ўз мижозларини кредитласа ва ушбу маблағлар бошқа банк мижозларига ўтказилса, натижада бошқа банкда кредит ресурсларининг кўпайишига ва унда кредитлаш имкониятининг ортиб боришига олиб келади. Шу тариқа ушбу маблағлардан бошқа бир банкка ўтиши натижасида, кейинги банкларда кредит ресурсларнинг ортиб боришига олиб келади. Бу жараён муомаладаги пул массасининг ортиб боришига сабаб бўлади.

Биз бу жараённи қуйидаги жадвал мисолида кўришимиз мумкин.

Банк	Қўйилмалар	Ссуда ёки	Мажбурий
------	------------	-----------	----------

	(долларда)	инвестициялар (долларда)	резервлар (долларда) ¹
Биринчи	1000	950	50
Иккинчи	950	902,50	47,50
Учинчи	902,50	857,37	45,13
Тўртинчи	857,37	814,50	42,87
Бешинчи	814,50	773,77	40,73
Олтинчи	773,77	735,08	38,69
Еттинчи	735,08	698,33	36,75
Саккизинчи	698,33	663,41	34,92
Тўккизинчи	663,41	630,24	33,17
Ўнинчи	630,24	598,73	31,51
Жами Ўн банк бўйича	8025,20	7623,93	401,27

Албатта ушбу жадвал маълумотлари мисол тариқасида олинган. Мажбурий резерв нормаси ҳам 5 фоиз миқдорида деб белгиланган. Келтирилган мисоллар шуни кўрсатадики биринчи банк томонидан 1000 доллар қабул қилинган қўшимча ресурслар 10 та банкка кетма-кет ўтиши натижасида уларнинг ресурслари жами 8025,20 ни ташкил этади ва кредит бериш имкониятлари (мажбурий резервдан сўнг) 7623,93 долларни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида биринчи банк томонидан 1000 доллар миқдорида олинган қўшимча ресурс 10 банкка ўтиш натижасида пул муомаласидаги пул массасини 7,6 баробарга кўпайтиради. Демак, шундай экан пул массасини мувофиқлаштириш кредит мултипликатори таъсири тўлиқ инobatга олган ҳолда амалга оширилиши талаб этилади.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти шароитида муомаладаги пул массасини товарлар, хизматлар ҳажми билан мувофиқлаштириб бориш муҳим иқтисодий аҳамият касб этади ва у ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, мамлакат пул бирлигини айрбошлаш қобилитини мустаҳкамлаш ҳамда тўлов баланснинг ҳолатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган – марказий банк, мувофиқлаштириш инструментлари, пул массаси, пул агрегатлари, пул бозори, пулга бўлган талаб ва таклиф, пулнинг бозордаги баҳоси каби бозор тушунчалари вужудга келади. Ушбулар тўғрисида дарслигимизнинг кейинги бобларида батафсил тўхталиб ўтамиз.

¹ Мажбурий резерв нормаси 5 фоиз тахмин қилинса

II-БОБ. Марказий банк пул муомаласини мувофиқлаштирувчи орган сифатида

2.1. Марказий банкни ташкил этиш шакллари, мақоми ва мустақиллиги

Бизга маълумки дастлабки Марказий банклар эрамининг XVII, XVIII асрларида Европанинг ривожланган мамлакатларида ташкил этилди. Марказий банкларни ташкил этишдан асосий мақсад муомалага пул бирликлари чиқарилишини марказлаштириш ва муомаладаги пул ҳажмини тартибга солишдан иборат эди. Марказий банк ташкил этилишига қадар капитализмнинг дастлабки даврида мамлакатдаги тижорат банкларининг барчаси муомалага ўз банкноталарини чиқариш ҳуқуқига эга эди. Банкнота-бу ушбу банкнинг ундаги кўрсатилган миқдордаги пулни реал, ҳақиқий пулга хоҳлаган пайтда алмаштириб бериши тўғрисидаги мажбуриятдир. Шундай экан, ҳар бир банк ўзининг захирасидаги мавжуд реал, ҳақиқий (олтин, кумуш) миқдоригача муомалага пул белгилари-банкноталар чиқариши мумкин. Бунда муомалага чиқарилган банкноталар банкларнинг олтин захиралари билан тўлиқ таъминланган бўлиши лозим яъни муомаладаги банкноталар банкларнинг захираларидаги ҳақиқий, реал пулларнинг муомаладаги “ўринбосарлари”, белгилари ҳисобланган.

Лекин XVII ва XVIII асрда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун қўшимча пул маблағлари талаб этилган. Ишлаб чиқариш, муомала жараёнларининг ривожланиши пулга бўлган талабнинг ошишига олиб келган. Ушбу талабни қондириш ва ўзлари оладиган даромадни кўпайтириш мақсадида тижорат банклари муомалага ўзларининг олтин захираларидан бир неча баробар кўп миқдорда банкнота чиқаришган. Натижада муомаладаги банкноталар банкларнинг олтин захиралари билан тўлиқ таъминланмасдан қолган ва банклар ўзларининг мажбуриятларини бажариш имкониятларини йўқотган. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларига бўлган ишончнинг емирилишига олиб келган ва шу билан бирга пул муомаласининг издан чиқишига сабаб бўлган.

Натижада пул муомаласини тартибга солиш, муомаладаги пул массасини мувофиқлаштириш зарурияти вужудга келган. Оқибатда муомалага чиқариладиган пул маблағларини марказлаштириш, пул муомаласини назорат қилиш ва тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш учун махсус давлат органи Марказий банк ташкил этилишига объектив сабаблар вужудга келган. Дастлабки Марказий банк 1656 йил Швецияда, 1694 йил Англияда Англия банки ташкил этилган.

Демак, Марказий банк ҳукумат томонидан пул муомаласини барқарорлаштириш, муомаладаги пул массасини тартибга солиш ва тижорат банклари фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. Ҳар бир мамлакатнинг Марказий банки давлат банки ҳисобланади ва унинг мавқеи, вазифалари ҳаракат доираларини ҳуқуқий асослари ўша мамлакатнинг қонунлари билан белгиланади.

Одатда, Марказий банкнинг ташкил этиш шакллари деганда уларнинг фаолият юритиши учун лозим бўлган устав капиталининг шаклланиш манбалари эътиборга олинади.

Марказий банклар мамлакатда қонунлар асосида давлат томонидан ташкил этилади. Лекин унинг устав капиталининг шаклланиш манбалари турлича бўлиши мумкин.

Баъзи мамлакатларда Марказий банк устав капитали шаклланиши ушбу мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ қуйидагича¹:

т/р №	Мамлакатлар	Марказий банк устав капитали манбалари
1.	Буюк Британия Дания Голландия	100 фоиз давлат мулки

	Россия Франция Германия	
2.	Швейцария	43 фоиз-хусусий шахслар; 57 фоиз-кантон(маъмурий бўлинмалар) мулки
3	Италия	100 фоиз – банклар ва суғурта компаниялари мулки
4.	АҚШ	100 фоиз-Федерал Резерв тизимига аъзо банклармулки
5.	Япония	55 фоиз-Давлат мулки; 45 фоиз-хусусий шахслар мулки
6.	Австрия	50 фоиз-Федерация мулки 50 фоиз-Юридик ва жисмоний шахслар мулки

1.Манба: Центральный банк в экономической системе государства. Журнал «Банковские услуги» 1999г., №4, стр 10.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўририб турибдики, Марказий банкнинг Устав капитали тўлиқ давлат маблағлари ҳисобига, бир қисми (одатда 50 фоиздан ортиғи) давлат маблағлари, қолган қисми юридик ва жисмоний шахслар маблағлари эвазига ёки тўлиқ аъзо банклар (Федерал Резерв тизими) маблағлари ва тўлиқ банклар ва суғурта компаниялари маблағлари ҳисобига ташкил этилади. Марказий банк устав капиталини тўлдириш, ошириш ва уларнинг манбалари ҳар бир мамлакатнинг қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топади. Эътироф этилганидек, устав капиталини ташкил этиш шаклларида қатъий назар, Марказий банк давлатнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсатларини амалга оширувчи органидир. Ҳар бир мамлакат қонунчилигида албатта Марказий банкнинг ушбу жиҳати алоҳида акс эттирилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устав капитали миқдори икки миллиард сўмдан иборат. Устав капитали миқдори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорига мувофиқ оширилади.

Марказий банкнинг устав капитали бошқа шахсларга берилиши ёки ундан закалад сифатида фойдаланиши мумкин эмас.²

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг мутлоқ мулкидир.³

Юқоридагилардан кўририб турибдики, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг устав капитали тўлиқ давлат маблағлари ҳисобидан ташкил топган.

Марказий банкнинг мақоми, вазифалари, ваколатлари, ташкил этилиши ва фаолияти принциплари мамлакатнинг қонунлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳуқуқий мақоми ҳам Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун ва бошқа қонунларда ўз аксини топган. Уларнинг энг диққатга сазовор бўлган асосий жиҳатларини куйидагилар ташкил этади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлоқ мулкидир. Марказий банк ўзининг Низомига, ҳисобрақамига ва мустақил балансига эгадир. Унинг фаолияти ҳаракатдаги қонунлар мажмуаси доирасида ташкил этилади ва мустақил бошқарув тизимига эга. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўрисидаги қонун билан унинг мақсад ва вазифалари, таъқиқланган фаолият турлари, ҳисобдорлиги, мустақиллиги, ташкилий тўзилиши ва ташқи иқтисодий фаолияти белгилаб берилган. Юқорида қайд этганимиз каби,

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун. Тошкент 1995 й, 21 декабрь 3-бет

³ Ўша ерда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 100 фоиз давлат маблағи ҳисобига ташкил этилган бўлиб, у давлатнинг пул-кредит соҳасини мувофиқлаштирувчи мустақил органи ҳисобланади.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз сарф-ҳаражатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил муассасадир. Марказий банк юридик шахс сифатида ўз фаолиятдан даромад олади ва ушбу маблағлар билан ўз ҳаражатларини қоплайди. Даромадларнинг ҳаражатлардан ошган қисми яъни Марказий банкнинг фойдаси бошқарув белгилаган тартибда тақсимланади.

Фойдани тақсимлашда ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари ва турли ижтимоий ва иқтисодий фондлар шакллантирилади ва унинг қолган қисми Республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрига эга⁴.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг барча муассасалари муҳри ва иш қоғозларида Давлат гербининг акс эттирилиши ҳам унинг давлат органи эканлигидан далолат беради.

Марказий банкнинг мустақиллик даражасини аниқлаш, унинг мезонлари, жиҳатлари масалаларига бағишланган қарашлар иқтисодий адабийтларда етарли даражада ўз аксини топган.

Марказий банкнинг мустақиллик даражаси кўп жиҳатдан мамлакатдаги ҳаракатда бўлган қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Кўп ҳолларда, Марказий банкнинг мустақиллигини белгилашда субъектив ва объектив омиллар таъсири инобатга олинади. Субъектив омил сифатида Марказий банк раҳбарияти ва ҳукумат ходимлари ўртасидаги ўзаро расмий муносабатлар, марказий банк раҳбариятининг ҳукумат ходимлари орасидаги норасмий обрў-эътибори, уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиёти жиҳатларини белгилашдаги фикр ва мулоҳазаларининг ҳукумат доирасида тан олинishi кабилар инобатга олинади.

Марказий банк мустақиллигининг объектив омиллари сифатида асосан қуйидагилар тан олинади:

- Марказий банк капиталида давлатнинг улуши;
- Марказий банк вазифаларининг қонунчиликда ёритилиш даражаси;
- Марказий банк раҳбари (Раиси) ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) тартиби ва уларнинг фаолият кўрсатиш муддатларининг қонун ҳужжатларида тўлиқ, аниқ акс эттирилиши ҳамда ушбуларга риоя этиш даражаси;
- Давлат томонидан Марказий банк фаолиятини назорат қилиш шакллари;
- Марказий банк раҳбарияти томонидан қабул қилинган қарорларига давлат органларининг қонун асосида таъсир кўрсатиш кўламлари ва Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатларини ҳаётга тадбиқ этишда ҳукуматнинг иштироки;
- Марказий банк молиявий фаолиятида давлатнинг роли, яъни унинг даромадларини ташкил этиш, ҳаражатларини амалга ошириш ва фойдасини тақсимлашда давлатнинг иштироки;
- Мамлакат бюджетини тўғри ва эгри молиялаштиришда Марказий банкнинг иштирокини белгиловчи жиҳатларнинг қонун ҳужжатларида акс эттирилиши.

Биз юқорида Марказий банкни ташкил этиш масалаларига тўхталганимизда унинг устав капиталини ташкил этилиши масалаларига батафсил тўхталиб ўтган эдик. Яна бир бор шуни таъкидлаб ўтишни лозим топдикки, Марказий банк устав капиталининг ташкил этилиши манбааларидан қатъий назар, у албатта қонун билан белгиланган,

⁴ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисидаги Қонун. 1995 йил 21 декабрь 3-бет.

давлатнинг пул-кредит соҳасидаги сиёсатини ҳаётга тадбиқ этувчи, мамлакатда пул муомаласини бошқарувчи, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминловчи давлат органидир.

Марказий банкнинг устав капитали ҳиссадорлик асосида ташкил этилган тақдирда ҳам, давлат қонунчилик асосида тўғридан-тўғри ёки эгри усуллар орқали Марказий банкнинг давлат органи эканлигини эътироф этади.

Марказий банк вазифалари ва уларнинг қонун ҳужжатларида батафсил ёритилиши масаласи ҳам унинг мустақиллигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Марказий банкнинг вазифалари ва уларнинг моҳияти кейинги бўлимларда батафсилроқ ёритилади. Бу ерда фақат шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, иқтисодий ривожланган мамлакатларда Марказий банкнинг аниқ вазифалари, фаолият доираси ҳамда асосий мақсадлари мамлакатнинг Конституцияси, Марказий банк тўғрисидаги Қонуни ва бошқа банк фаолиятига тегишли қонун ҳужжатларида ўз аксини топади. Ушбулар Марказий банк фаолиятининг қонуний асослари ҳисобланади ва у бир томондан унинг қонуний ваколатларини белгилаб берса, иккинчи томондан фаолият ваколатларини аниқ белгилаб берилган мақсад ва вазифалар доирасида чегаралаб қўяди.

Марказий банк мустақиллигининг кейинги объектив омили бўлиб Марказий банк раҳбари, унинг ўринбосарларини тайинлаш ёки сайлаш масалалари, уларнинг фаолият кўрсатиш муддатларининг қонун ҳужжатларида аниқ акс эттирилганлиги ҳамда ушбуларга риоя этиш даражаси ҳисобланади.

Ушбу масалалар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида тўлиқ ва аниқ ўз аксини топган. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги қонунга мувофиқ Марказий банк раисини Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдиротига кўра Олий Мажлис тайинлайди ва лавозимидан озод этади.

Ушбу қонунга мувофиқ Марказий банк Раисининг ваколат муддати беш йил деб белгиланган. Бундан ташқари қонуннинг 20-моддасида унинг вазифалари ҳам батафсил равишда баён этилган⁵. Марказий банк раисининг эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топган. Улар қуйидагилардаг иборат:

- Ваколат муддати тугаганида ;
- Истеъфога чиқишини сўраб, сабабларини кўрсатган ҳолда ёзган шахсий аризасига кўра;
- Жиноят содир қилишда қонунда белгиланган тартибда айбдор деб топилганда;
- Ўзининг хизмат вазифаларини саломатлигига кўра бажара олмаганда, давлат тиббий комиссиясининг хулосасига кўра;
- Эгаллаб турган лавозимига муносиб бўлмаган ҳатти-ҳаракатлар қилганида, шу жумладан ушбу Қонунни қўпол равишда бўзганида ва Марказий банк манфаатларига катта зарар етказганида⁶.

Юқорида қайд этилган қонуннинг 22-моддасида Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Марказий банк Раиси тақдирномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланадилар ва лавозимидан озод этиладилар.

Марказий банкнинг Олий органи сифатида унинг Бошқаруви эътироф этилган. Бошқарув Марказий банк сиёсати ва фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб беради ва банкни бошқаради. Қонунда Бошқарувнинг таркиби, ваколатлари ва мажлислари ҳамда қарор тўғрисида батафсил ёритилган⁷.

Марказий банк мустақиллигини белгиловчи объектив омиллардан яна бири, давлат томонидан Марказий банк фаолиятини назорат қилиш шакли ҳисобланади.

⁵ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, тошкент 1995 йил, 21 декабрь 9-10 бетлар.

⁶ Ўша ерда 10 бет.

⁷ Ўша ерда 7,8,9 бетлар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир.

Давлат Марказий банкнинг мажбуриятлари юзасидан, Марказий банк эса давлатнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, башарти, улар ўз зиммаларига бундай мажбуриятларни олмаган бўлсалар ёки қонунларда бошқа қоида назарда тутилмаган бўлса⁸.

Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ҳисоб беради. Ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача қилиб белгиланган. Ҳисобот 15 майдан кечиктирилмасдан Олий Мажлисга тақдим этилиши лозим.

Бундан ташқари, Марказий банк давлат ташкилоти бўлиши билан бир қаторда унинг фаолияти йилига бир марта мустақил аудитор ташкилотлар томонидан аудиторлик текширувидан ўтказилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиз каби, Ўзбекистон Республикаси марказий банки қарорлар қабул қилишда мустақилдир. Ҳаракатдаги қонунларга мувофиқ Марказий банк томонидан қабул қилинган қарорларга давлат органларининг аралашуви ман этилган.

Марказий банк ўз фаолиятининг бош мақсада бўлмиш, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида амалга оширадиган пул-кредит сиёсатини мустақил равишда юритади. Унинг пул-кредит сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда ҳукумат фаол иштирок этади.

Марказий банк мустақиллигини белгиловчи объектив омиллардан яна бири Марказий банк молиявий фаолиятида давлатнинг иштироқи масаласи ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки давлатнинг мутлоқ мулки бўлиши билан бир қаторда, у ўз сарф-ҳаражатларини ўзининг даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, мустақил муассасадир.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасида Марказий банк фойдасини аниқлаш ва уни тақсимлашнинг асосий тамойиллари ўз аксини топган.

Марказий банкнинг фойдаси ҳар бир молия йили учун:

➤ Ишончсиз, шубҳали қарзлар ва бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш резервлари шакллантирилгандан сўнг;

➤ Умумий қабул қилинган бухгалтерлик амалиётига мувофиқ амалда барча даромадлар ва чиқимлар ҳисобланганидан, шунингдек активлар ва пасивлар баҳоланганидан сўнг аниқланади.

Марказий банк фойдаси Бошқарув белгилаган тартибда, йиллик ҳисоботни тасдиқлаш билан бир пайтда тасдиқланади.

Бошқарувнинг қарорига мувофиқ аниқ мақсадни турли резервлар ва фондлар шакллантирилиши мумкин.

Аниқ мақсадга йўналтирилган резервлар ва фондлар белгиланган тартибда тўлдирилгандан кейин фойданинг қолган қисми Республика бюджети даромадига йўналтирилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлардан озод қилинган⁹.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, қонун билан Марказий банк учун таъқиқланган фаолият турлари ҳам аниқланган. Унга кўра, Марказий банк:

➤ Молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланишга;

➤ Тижорат фаолияти билан шуғулланишга;

➤ Банклар ва бошқа юридик шахсларнинг капиталларида қатнашишга ҳақли

эмас.

⁸ Ўша ерда 4-5 бетлар.

⁹ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 6-7 бетлар.

Марказий банк мустақиллигини ифодаловчи объектив кўрсаткичлардан яна бири мамлакат бюджетини тўғри ва эгри молиялаштиришга Марказий банкнинг иштирокини белгиловчи жиҳатларининг қонун ҳужжатларида акс этирилиши масаласидир.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонуннинг VII бобида Марказий банкнинг ҳукумат билан муносабатлари тўлиқ ўз аксини топган. У ерда Марказий банкнинг ҳукумат билан бўладиган муносабатларидаги вазифалари (44-модда), давлат секторига қарз ажратиш масалаларида маслаҳатлар бериш (45-модда), депозитарий ва кассирнинг вазифалари (46-модда), фискаль агентнинг вазифалари (47-модда), ҳукуматга кредит бериш (48-модда) масалалари ўзининг қонуний асосини топган.

Ушбу қонунга мувофиқ Марказий банк ҳукуматга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган миқдорда кредитлар ажратиш ҳуқуқига эга. Одатда Олий Мажлис томонидан ҳукуматга ажратиладиган Марказий банк кредитларининг миқдори давлат бюджети ҳаражатларининг 3 фоизидан ошмаслиги белгиланади.

Ҳукуматга ажратиладиган кредитлар:

- олтин, чет эл валютаси, халқаро резервлар тоифасига кирувчи валюта бойликлари;
- давлат қарз мажбуриятлари ва ҳукумат кафолатлаган бошқа қарз воситалари гаровига берилади.

Ушбу гаровларнинг қайтарилиш муддати бир йилдан ошмаслиги лозим, чунки ҳукуматга Марказий банк кредитлари одатда 1 йил муддатга ажратилади.

Бундан ташқари, Марказий банк ҳукуматга обуна бўйича бадаллар ёки республиканинг у ёки бу халқаро ташкилотга аъзолигидан келиб чиқувчи бошқа тўловлар учун анча ўзоқ муддатли кредитлар беришга ҳақли.

Қонунга мувофиқ, Марказий банк юқорида акс этирилган ҳолларда ҳукуматга молиявий ёрдам беришга ҳақли эмас.

Марказий банкнинг ҳукумат билан молиявий муносабатларининг қонун ҳужжатлари орқали чегараланиши, албатта унинг монетар сиёсатининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Марказий банкнинг мустақиллиги даражаси, унинг ҳукумат органларидаги нуфўзи ҳамда илмий асосланган мустақил пул-кредит сиёсати мамлакат пул бирлигининг барқарорлигига хизмат қилади. Марказий банк давлат органи сифатида иқтисодиётнинг ва бутун банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади.

2.2. Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари

Юқоридаги бўлимда таъкидлаб ўтганимиз каби, одатда, дастлабки Марказий банклар ҳам маълум бир мақсадда ташкил этилган ва ушбу мақсадга эришиш учун уларнинг аниқ вазифалари белгилаб берилган.

Биламизки, дастлабки Марказий банкларни ташкил этишдан мақсад, мамлакатда пул эмиссиясини марказлаштиришдан иборат бўлган. Демак, муомаладаги пул массасини тартибга солиш эҳтиёжи вужудга келган ва уни амалга оширадиган давлат муассасаси зарурияти туғилган.

Ҳар қандай ташкилот, корхона ёки муассаса каби марказий банкнинг ҳам аниқ мақсади ва вазифалари қонун ҳужжатларида ўз аксини топади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мақсад ва вазифалари баён этилган. Унга кўра, Марказий банкнинг бош мақсади-миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.¹⁰

Унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

¹⁰ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 3 бет.

Биринчидан, монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

Учинчидан, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкларини назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

Бешинчидан, давлат бюджетининг касса ижросини Молия Вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборат¹¹.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз-ки, Марказий банкнинг барча вазифалари унга юклатилган мақсадга тўлиқ эришиш учун қаратилган, яъни улар ушбу мақсадга, мамлакат пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга эришиш учун хизмат қилади.

2.3. Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари

Ҳаракатдаги қонун ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки молиявий йил бошланишидан 30 кун олдин келгуси йил учун ўзининг пул-кредит ва монетар сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқади ва бу ҳақда Олий Мажлисга ахборот беради.

Бундан ташқари, монетар сиёсат матбуотда эълон қилинади.

Марказий банкнинг пул-кредит ва монетар сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодий конъюктуранинг таҳлили ва истиқбол кўрсаткичлари, муомаладаги пул массасининг иқтисодий жиҳатдан асосланган чегаралари, валюта ва фоиз сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда ҳукумат томонидан кейинги йил учун белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларнинг прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда тайёрланади¹².

Монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари самарали бўлишини таъминлаш учун авваломбор, албатта ўтган йиллардаги мамлакатдаги иқтисодий конъюнктура ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмоғи зарур. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, яъни ички маҳсулотнинг таркиби, ўсиш ёки камайиш динамикаси, уларнинг сабаблари ўрганилади. Ялпи ички маҳсулотнинг қишлоқ хўжалигидаги, саноат, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш, инвестиция ва қурилиш соҳаларидаги ўзгаришлар ва уларнинг сабаблари таҳлил қилинади. Шу билан бирга, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан ҳисобланган инфляция ва нархларнинг ўсиш даражалари, тенденцияси ва сабалари тўлиқ ўрганилади.

Бизга маълумки, ҳозирги замон иқтисодий глобаллашув шароитида алоҳида олинган мамлакат иқтисодиётини ташқи мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларисиз тасаввур этиш қийин. Шундай экан, монетар сиёсатнинг асосий йўналишларини аниқлашда мамлакатнинг бошқа давлатлар билан иқтисодий алоқаларининг кўлами, динамикаси, ташқи савдо айланмалари, тўлов ва ҳисоб-китоб балансларининг ҳолати таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, келгуси йилга самарали пул-кредит сиёсатини амалга оширишни белгилаб олиш учун, ўтган йилдаги Марказий банкнинг монетар сиёсати, унинг қайси инструментлари самаралироқ фойдаланилганлиги, йўл қўйилган хато ва камчиликлар тўлиқ талқин қилинмоғи ва улардан ижобий фойдаланмоғи тавсия этилади.

¹¹ “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун, тошкент 1995 й, 3-4 бетлар.

¹² Ўша ерда 11-бет.

Бунда пул-кредит сиёсатининг бевосита инструментлари билан бир қаторда унинг билбосита инструментларидан фойдаланиш имкониятлари, ўтган даврдаги монетизация даражаси тахмини ва энг асосийси пул бозорини ҳолати, яъни фоиз ставкасининг динамикаси ва валюта сиёсати таҳлили муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, пул-кредит, монетар сиёсатнинг самарали пировард натижасида мамлакат пул бирлигининг барқарорлик даражаси билан белгиланади.

Юқоридагилар билан бир қаторда самарали монетар сиёсат йўналишларини аниқлашда мамлакат банк тизими барқарорлиги таҳлили ҳам муҳим ўрин тутди.

Юқорида қайд этилган масалалар аниқ ва тўлиқ чуқур таҳлил қилиниб, сабаб ва оқибатлар ҳар томонлама ўрганилгандан кейин Марказий банк ҳукумат томонидан кейинги йил учун прогноз қилинган ялпи ички маҳсулот ҳажми ва унинг реал ўсиши, ЯИМ дефляторининг миқдорий кўрсаткичлари ва инфляция даражаси ҳамда ташқи савдо айланмаси қолдиғининг ижобий бўлиши ва давлат бюджети кўрсаткичлари каби макроиктисодий параметрларидан келиб чиққан ҳолда ўзининг пул-кредит, монетар сиёсатини ишлаб чиқади.

Бизнинг назаримизда, энг муҳим масала шундан иборатки, пул-кредит, монетар сиёсатни белгилашда Марказий банк ҳукумат томонидан прогнозлаштирилган макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсиш динамикаси билан муомаладаги пул массаси ўзгариши ўртасидаги мутаносиблик даражасини аниқлаш ва доимий равишда унга эришишдан иборат бўлмоғи лозим. Чунки халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида маълум даражада ўсишни таъминлаш албатта қўшимча пул маблағларини талаб қилади. Демак, доимо ялпи ички маҳсулот ўсиши билан пул массаси ўсиши ўртасида қандайдир мутаносиблик бўлишни талаб қилади.

Шундай қилиб, монетар сиёсатнинг асосий йўналишлари мамлакат иқтисодиётига пул-кредит воситалари орқали таъсир қилиш натижасида мамлакат пул бирлиги барқарорлигини таъминловчи муҳим ҳужжатдир.

III -БОБ. ПУЛ-КРЕДИТ МЕХАНИЗМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

3.1. Металлик ва номиналлик пул назариялари

Бозор иқтисодиёти шароитида пул-кредит механизмини тартибга солиш пул-кредит сиёсати ёки оддий қилиб монетар сиёсатнинг иқтисодиётга таъсири марказий ўринлардан бирини эгаллаганлиги сабабли жаҳоннинг энг илғор иқтисодчи олимлар диққат эътиборини айнан шу муаммоларга қаратиб келмоқдалар.

Пул-кредит механизмини тартибга солишнинг назарий асоси капиталистик ишлаб чиқариш усулининг дастлабки йилларида яратила бошлади. Ишлаб чиқариш шароитининг тубдан ўзгариши, унинг йириклашиши саноат капиталининг ўсиши иқтисод фани олдига қатор вазифалар қўйди. Улар орасида энг аҳамиятлиларидан бири пул ва кредитнинг моҳияти, функцияси ва хўжаликларнинг барқарор ривожланишидаги уларнинг ўрни бўлди. Худди шу даврда пул назариялари тўғрисидаги илк фикрлар юзага келди. Бу назариялар: металлик ва номиналлик пул назариялари бўлиб, уларнинг ўша даврдаги муаммоларни ечишдаги ўрни беқиёс эди.

Металлик пул назарияси дастлаб капитализм ривожланган Англияда майдонга келди. Ушбу назариянинг асосчилари Т. Жен ва Д. Норслар бўлиб, метал пуллар муомаласининг барқарор бўлишига чақиради ва мамлакат бойлиги, мамлакатдаги олтин ва кумуш пуллар захирасига боғлиқ деб ҳисоблайди. Бу назариянинг камчилиги моддий ва рухий қадриятлар бойлик сифатида тан олинмаслигидир. Бу назария XIX асрнинг биринчи ярмида ривожланиб келаётган саноат буржуазиясини қониқтира олмади ва инқирозга юз тутди. Лекин XIX асрнинг II ярмига келиб немис иқтисодчиси К. Книп металлик назариясини ҳикоя қилиб чиқди. Бу ғоянинг тикланишига 1873 йилда Германияда киритилган олтин танга стандарти сабаб бўлди. К. Книп металлик назариясини янги шароитга мослаштириб, у пул сифатида фақат метални эмас, балки марказий банк банкноталарини ҳам ҳисоблаш мумкин. Агар улар метал билан таъминланган бўлса, ҳеч бир чекловларсиз алмаштирилса пул тизими мустақкам бўлади. Аммо бу мувозанат урушлар туфайли бўзилади. Олтиннинг эркин пулга алмашиши, четга чиқарилиши бекор қилинади.

Биринчи жаҳон урушидан кейин олтин қўйма стандарти жорий қилинди. Олтин танга стандартидан асосий фарқи муомаладаги банкноталар энди олтин қўймага (12-12,5 кг) алмаштирила бошлади. Бу асосан халқаро бозорларда қўлланиладиган бўлди. Кўпгина давлатларда банкноталарни олтинга алмаштириш амалиётда бекор қилинди. Олтин қўйма стандартига кирмаган давлатлар ўз валюта (пуллар)ни кирган давлатлар девизларига (валюталарига) алмаштириш кўзда тутилган эди. АҚШ доллари асосий девиз (валюта) ҳисобланиб қолди.

Номиналлик пул назарияси – олдинги назария сингари буржуазия илк ривожланиш даврига тўғри келади ва Англияда пайдо бўлди. Бу назария вакиллари Дж. Беркли ва Дж. Стюартлардир. Уларнинг асосий ғояси: муомалада емирилиб тўла қийматга эга бўлмаган тангалар ҳам номиналига қараб тенг муомалада бўлишини ёқлашдир. Пулдаги олтиннинг қиймати муомалада рол ўйнамайди, номиналида қанча кўрсатилган бўлса, шу асосий ролни ўйнайди деб ҳисоблайди.

Номинализмнинг кейинги ривожланиш босқичи XIX аср охири XX аср бошларидир. Бу даврда номиналистик ғоя вакилларида бири Г. Кнапдир. Г. Кнап ва унинг издошлари олдинги номиналистлардан фарқ қилиб, тўла қийматга эга бўлмаган тангаларга эмас, балки қоғоз пулларга асосланган эдилар. Улар пул массасини ҳисоблаётганда давлат хазина билетларини ва алмашадиган тангаларни эътиборга олиб, кредит пулларини (вексель, чек, банкноталарни) изланишларидан четда қолдиришди.

Ҳар хил мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиётининг ривожланишида пул ва кредит категориялари моҳияти ўзгаришсиз қолади ва пул-кредит механизмини тартибга солишни такомиллаштириш бўйича амалий таклифларга эҳтиёж сезилади.

Ҳозирги вақтда пул тўғрисида турли хил назариялар мавжуд бўлиб, улар ўз мазмунига кўра бир-биридан фарқ қилувчи турли оқимларга бирлашиб кетган. Ана шу оқимлар монетаризм ва кейнсчилик оқимини, шубҳасиз назариялар ичида энг йирик ва энг етакчи ғоявий йўналиш сифатида ажратиш кўрсатиш мумкин.

Аммо ҳар иккала (мактаб) назарияларни ўрганишдан олдин уларнинг вужудга келишига асос бўлган – классик миқдорийлик назариясидир. Уларнинг асосчилари бўлиб: А.Смит, У. Петти, Д. Рекардо, Д. Фуллартон, А. Маршалл, И. Фишер, А. Пигу ва бошқалардир. Улар кейнсчилик ва монетаризмга қадар пулга бўлган талаб, муомала учун зарур пул массаси, алмашув тенгламаси каби масалаларни чуқур таҳлил қилиб, ўзининг қарашларини вужудга келтирган.

Дастлабки назариялардан бири пулга бўлган талаб назариясининг XX аср бошларидаги ҳолатини классик мактаб вакиллари – Ирвинг Фишер, Альфред Маршалл ва Артур Сесил Пигу мисолида кўриб чиқамиз. Бу мактаб вакилларининг қарашларига тўхталамиз, сўнгра пулга бўлган талабнинг кейнсча талқинини, ўзига хос томонларини ва Милтон Фридманнинг пулнинг замонавий миқдорийлик назариясини кўриб чиқамиз.

3.2. Миқдорийлик пул назариялари ва уларнинг турлари

Пулнинг миқдорийлик классик назарияси асосчиларидан бири – Ирвинг Фишер ҳисобланади. Унинг 1911 йилда нашр қилинган “Пулнинг ҳарид қуввати” китобида пулга бўлган талабни аниқлаш учун қуйидаги формулани келтиради:

$$V=P*Y/M \quad (1)$$

Унда Фишер умумий пул миқдори M (пул массаси) ва ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматларни сотиб олишдаги ялпи ҳаражатлар $P*Y$ ўртасидаги боғлиқликни тадқиқ қилган.

Бунда P – баҳолар даражаси

Y – ялпи ишлаб чиқариш (ёки ялпи ички маҳсулот сифатида ишлатиш мумкин)

V – M ва $P*Y$ ларни боғловчи ўзгарувчини – пулнинг айланиш тезлиги деб аташ мумкин.

Демак, пулнинг айланиш тезлиги V ялпи ҳаражатларнинг ($P*Y$) пул массасига нисбати сифатида қараш мумкин. Масалан: агар йил давомида номинал ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 5 трлн. долларга, пул таклифи M – 1 трлн. долларга тенг бўлса пул айланиш тезлиги 5 мартага тенг бўлади.

Юқоридаги тенгламанинг ҳар иккала томонини M га кўпайтириш орқали алмашув тенгламасини ҳосил қилди. Алмашув тенгламаси номинал даромад, пул миқдори ва уларнинг айланиш тезлигини ифодалайди.

$$M*V=P*Y \quad (2)$$

Юқоридаги тенгламадан кўринадикки, йил давомида пул айланиш тезлигининг пул миқдоридики номинал даромадга (яъни йил давомида сотиб олинган товарлар ва хизматларнинг номинал қийматига) тенг бўлиши керак.

И. Фишернинг фикрича иқтисодиётда пул айланиш тезлигини молиявий институтлар аниқлайди. Лекин бу институтлар пул айланиш тезлигига жуда секин таъсир қилади, шунинг учун қисқа даврий ораликда пулнинг айланиш тезлиги доимий деган тахмин алмашув тенгламасини пулнинг миқдорийлик назариясига айлантирди. Чунки бунга кўра номинал ЯИМ мутлоқ равишда пул массасининг тебранишлари орқали аниқланади. Натижада пулнинг миқдорийлик назариясидан келиб чиқадикки, агар M икки

ҳисса ошса P ҳам икки ҳисса ошиши керак, чунки V ва Y лар доимий (ўзгармас) ҳолда қолади.

Юқорида келтирган мисолимизда ялпи ишлаб чиқариш 5 трлн. долларни ташкил этади, пулнинг айланиш тезлиги эса $Y=5$ ва пул таклифи $M=1$ трлн. доллар, бу эса баҳолар даражасининг тенг эканлигини англатади. Пул таклифининг 2 трлн. долларгача кўпайиши шароитида баҳолар даражаси 2 баробар ошади, чунки $2*5=10$ трлн. Долларлик номинал ЯИМга тенглашади.

Юқоридаги фикр ва мисолларни бирлаштирадиган бўлсак, Фишернинг фикрича муомала учун зарур пул массаси (пулга бўлган талаб) ЯИМ доирасидаги битимлар ҳажми билан ва бу битимларни амалга ошириш учун молия институтлари томонидан пул таклифи аниқланади, бу эса пулнинг айланиш тезлигини ҳам аниқлаш имкониятини беради. Ирвинг Фишер ўзининг пулга бўлган талабнинг миқдорийлик назариясини яратган вақтда Кембридж мактаби вакиллари: Альфред Маршал ва Артур Сесил Пигу ушбу соҳадаги тадқиқотлар билан шуғулландилар. Уларнинг тадқиқотларининг натижаси Фишернинг ($M*V=P*Y$) тенгламасига ўхшаш тенгламага олиб келган бўлсада, муаммога ёндашув мутлақо бошқача эди. Кембридж мактабининг вакиллари пулга бўлган талабнинг битимлар ҳажмига ва институционал омилларга боғлиқлигини ўрганишнинг ўрнига маълум ҳолатларда фанлар ва хўжалик субъектлар қўлида қанча миқдорда пул ушлаб туришни хоҳлайдилар? деган савол қўйилади. Кембрижча моделда субъектлар кредит карточкаларидан фойдаланиш имконияти бўлмаганда уларда эркин қарор қабул қилиш имконияти борлиги ҳисобга олинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Кембриж мактабининг вакиллари И. Фишер хулосасидан фарқ қилиб, у фоиз ставкаси тўғрисида пулга бўлган талабнинг ўзгаришини истисно қилмайди. Бу олимларнинг фикрича, одамларнинг қўлларида пул ушлаб туришларига асос бўлувчи пулнинг икки хусусиятини ажратиб кўрсатишади:

1. Алмашув воситаси: Субъектлар битимларни амалга ошираётган вақтларида пул алмашув воситаси сифатида амал қилади. Кембриж мактабининг вакиллари Фишернинг пулга бўлган талаб битимлар ҳажмига боғлиқ ва пулнинг битимларни амалга ошириши учун талаби номинал ЯИМга пропорционал эканлиги тўғрисидаги фикрига қўшиладилар.

2. Бойликни сақлаш воситаси: Модомики, пул бойликни сақлаш воситаси экан, пулга бўлган талаб ушбу бойликлар миқдорига ҳам боғлиқ деган фикрни илгари суради. Бойликларнинг ошиши билан субъектларда уларни ҳар хил активларга жойлаштириш зарурияти туғилади.

Натижада, Кембриж мактабининг олимлари пулга бўлган талаб номинал ЯИМга пропорционал деган хулосага келишди ва пулга бўлган талаб функциясини қуйидаги тенглама тарзида ифода этишди.

$$M^d = K * RY$$

Уларнинг моделига кўра истеъмолчилар қўлларида қанча пул бўлиши кераклигини ўзлари ҳал қилади. Бу эса K – (пропорционаллик коэффиценти)нинг қисқа муддатлар ичида тебранишларда бўлинишни кўзда тутаяди. Ваҳоланки, пуллардан бойликларни сақлаш усули сифатида фойдаланиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш, бошқа активлардан кутиладиган даромадларга боғлиқ бўлади.

Шундай қилиб, бошқа активлардаги хусусиятларнинг ўзгариши K нинг ҳам ўзгаришига олиб келиши мумкин. Юқорида кўрсатилган фарқ И. Фишернинг Кембриж мактаби вакиллари фикрларидан фарқни англатади.

Жон Мейнард Кейнс Кембриж мактабининг энг сўнгги вакиллари билан бўлиб, уларнинг фикрларини ривожлантирди. Кейнсчилик назарияси асосан XX асрнинг 30-йилларида яхлит ғоявий оқим сифатида тўлиқ шаклланди. Унинг асосчиси XX асрнинг энг машҳур иқтисодчиларидан бири Буюк Британиялик олим Ж. М. Кейнс эди.

Маълумки Ж. М. Кейнснинг “Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси” (1936 й.) номли ўзининг машҳур китобида пулнинг айланиш тезлигининг доимийлиги тўғрисидаги классик ёндашувдан батамом воз кечди ва асосий эътибор фоиз ставкасининг

таъсирига қаратилган пулга бўлган талаб назариясини ишлаб чиқди. Кейнснинг ишлаб чиққан пулга бўлган талаб назарияси ликвидликка ихлос қўйиш назарияси номини олди. Ушбу назарияда ҳам субъектлар ўзларида қанча пул сақлайдилар? Деган саволни ҳам кўриб чиқдилар. Лекин Кейнс ўздан олдинги иқтисодчилардан фарқли ўлароқ, субъектларнинг қўлларида нақд пулларни ушлаб туриш сабабларини очиб берувчи қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатди.

У пулга бўлган талабни аниқловчи уч омилни қуйидагича шакллантирди: 1. Битимлар омили; 2. Эҳтиёткорлик омили; 3. Чайқов омили.

Битимлар омили – субъектлар ўз активларининг маълум бир қисмини тўлов воситаси сифатида ишлатиш учун пул шаклида сақлайдилар. Бу омилни Кейнс транзакцион омил деб атади.

Эҳтиёткорлик омили – субъектлар активларнинг бир қисмини пул шаклида сақлаш кўзда тутилмаган ҳаражатларни талаб қилувчи тасодифий ходисалар, қулай битимларни амалга ошириш имкониятлари ҳамда кўшимча пулли мажбуриятларнинг юзага келиши билан боғлиқдир.

Чайқов омили – Кейнс барча субъектлар ўз активларини икки шаклда – пуллар (муддатсиз ҳисоб рақамлар) ва ўзоқ муддатли облигациялар кўринишида сақлайдилар, деб ҳисоблайди. Облигацияларнинг пуллардан азалроқлиги шундаки, улар фоиз яъни даромад келтиради. Айни вақтда облигацияларнинг баҳоси қимматли қоғозлар бозоридаги фоиз ставкасининг ўзгариши туфайли ҳар хил бўлади. Бу эса риск яъни жиддий хавф хатардир. Ссуда фоизи меъёрининг пасайиши облигациялар курсининг ўзгаришига олиб келади. Аксинча, ссуда фоизи меъёрининг ошиши уларнинг курсининг пасайишига олиб келади. Ана шу зарардан қочиш учун активларнинг маълум қисмини пулли депозит шаклида сақлашни Кейнс чайқов омили деб атайди.

Шуни алоҳида таъкидлаб айтиш лозимки, агар Кейнснинг назарияси фақат транзакцион ва эҳтиёткорлик омили билан чапланганда эди, даромад эса пулга бўлган талабнинг ягона аниқловчиси бўларди ва Кембриж мактаби вакилларининг ёндашувларига ҳеч қандай янгилик кирита олмаган бўларди.

Аmmo Кейнс субъектлар ўз бойликларининг бир қисмини пул шаклида сақлашларига қарор қабул қилишга таъсир этувчи омилларни синчковлик билан ўрганди. Кембриж мактаби вакилларининг пулга бўлган талаб бойлигининг захираси билан аниқланади ва у даромадга пропорционал деган фикрдан фарқ қиладиган, пулга бўлган талаб фоиз ставкасига ҳам боғлиқ деб ҳисоблади. Кейнснинг тадқиқотларидан шундай хулоса қилиш мумкин: фоиз ставкасининг ўсиши билан пулга бўлган талаб пасаяди.

Бошқа томондан қарайдиган бўлсак, Кейнснинг фикрича пул массасининг ўзгариши бевосита фоиз ставкасига таъсир қиладди. Яъни агар муомалада пул массаси ошса, фоиз ставкаси пасаяди. Аксинча, агар пул массаси камайса, фоиз ставкаси ошади.

Кейнсча пул назариясидаги асосий қоидалар қуйидагилардан иборат:

1. Бозор иқтисодиёти кўшимча ички қутилмаган муаммоларни ўз ичига олувчи нобарқарор тизимдан иборат. Шунинг учун давлат иқтисодиётини бошқаришнинг турли хил, шу жумладан, пул-кредит инструментларидан доимий равишда фойдаланиши керак.

2. Пул таклифи ва номинал ЯММнинг сабаб-оқибатли боғланиш занжири қуйидагича: пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгаришига сабаб бўлади, бу эса ўз навбатида инвестицион талабнинг ўзгаришига ва мультипликатив таъсир орқали номинал ЯММнинг ўзгаришига олиб келади.

3. Кейнсчиликнинг асосини ташкил этувчи асосий назарий тенглама:

$$Y=C+G+I+NX$$

Бунда, Y – номинал ЯММ, C – истеъмол ҳаражатлари, G – товарлар ва хизматларни сотиб олишда давлат ҳаражатлари, I – режали хусусий инвестициялар, NX – соф экспорт.

4. Кейнсчиликнинг таъкидлашларича, пул таклифи ва номинал ЯММ ўртасидаги сабаб ва оқибат боғланишнинг мақсади етарли даражада катта бўлиб, Марказий банк пул-

кредит сиёсатини амалга ошириш чоғида кенг миқёсда иқтисодий маълумотларга эга бўлиши керак.

Ундан ташқари, муомаладаги пулнинг ўсиши билан инвестициялар ва бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тўлиши ўртасида маълум бир вақт оралиғи мавжуд. Ниҳоят ўзгармас талаб шароитида пул таклифининг оширилиши иқтисодиётни “ликвидли қапқон” ҳолатига келтириб мувозанатни ўзгартиради: фоиз ставкасининг критик даражасигача пасайишига олиб келади, бу эса мутлоқ юқори ликвидликка ихлос қилишни англатади. Агар бунда пул таклифининг кўпайиши давом этаверса, фоиз ставкаси бундай ҳолатга таъсир ўтказа олмай қолиши мумкин, зеро фоиз ставкаси пул таклифининг ўзгаришига таъсир этолмасда, бунда муомаладаги пул миқдори ва номинал ЯММ ўртасидаги сабаб-оқибат занжири ўзилади.

5. Юқоридаги келтирилганларни ҳисобга олиб, Кейнсчилар пул-кредит сиёсатини иқтисодиётни барқарорлаштириш учун у қадар самарали восита эмас деб ҳисоблашади ва улар фискал ёки бюджет сиёсатини устун қўядилар.

Ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, ривожланган давлатларнинг иқтисодий ривожланишида шундай ҳолатлар юзага келдики, бу ҳолатларнинг туб сабабларини Кейнс назариясининг қоидалари доирасида тушунтириб бериш мумкин эмас эди, чунончи, 1960-1973 йилларда АҚШ ялпи миллий маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиши 4,1 фоизни ташкил этган бўлса, 1974-1981 йилларда атиги 2,7 фоизни ташкил қилди. 1979 йилда эса ички баҳолар ўсишининг умумий суръати 12,1 фоизни ташкил этгани ҳолда ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 8 фоизидан ортиқроқ қисмини ташкил қилди.⁵

Юқоридаги ҳолатни кейнсча концепциянинг қоидалари шарҳлаб бера олмасди. Чунки, иқтисодий пасайиш ва ишсизликка қарши кураш чора-тадбирлари инфляцияга қарши сиёсатга зид келиб қолди. Натижада XX асрнинг 70-йилларида Кейнсчилик мактабининг инқирози кўзатилди. Иқтисодий фанда янги неоклассик йўналиш, шу жумладан, унинг замонавий шакли-монитаризм етакчи ўринга чиқди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1970-1980 йилларда бошқа ривожланган давлатлар каби АҚШ иқтисодиётида юз берган асосий макроиқтисодий муаммолар: барқарор иқтисодий ўсиш муаммоси, тўлов баланси ва бюджет тақчиллигини бартараф этиш, ишсизлик даражаси ва инфляцияни пасайтириш ҳамда молиявий барқарорликка эришиш каби муаммолар кўндаланг бўлиб қолди. Агар АҚШда 1963 йилдан 1993 йилгача бўлган ўттиз йиллик муддат ичидаги даврни таҳлил қиладиган бўлсак, иқтисодий ўсиш нобарқарорлигининг гувоҳи бўламиз. Ушбу даврни учта ўн йилликка бўлсак ҳам, келтирилган рақамлар орқали таҳлилимиз ўз исботини топади. Агар 1963-1973 йилларда ЯИМнинг реал ўсиши йилига ўртача 4,4 фоизни ташкил этган бўлса, инфляциянинг ўртача йиллик ўсиш сурати 3,9 фоизни ташкил этган. Сўнгги ўн йилда инфляциянинг шиддат билан ўсиши натижасида иқтисодни ўсиши сезиларли даражада пасайди ва инфляция суръти йилига ўртача 9,1 фоизни ташкил этгани ҳолда иқтисодий ўсиш ўртача 2,4 фоизни ташкил этди. Бироқ 1983-93 йилларда амалга оширилган қатъий пул-кредит сиёсати натижасида инфляция даражаси кескин пасайтирилди (ўртача 4,2 фоиз) ва АҚШ иқтисодиётида яна иқтисодий ўсиш кўзатилди яъни ЯИМнинг реал ўсиши ўртача 3,2 фоизни ташкил этди. Аммо шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ўтган даврда инфляциянинг кескин ошиши кўзатилган йилларда ЯИМ ўсиши кескин пасайиб кетди. Бундай иқтисодий ҳодисаларнинг барчаси иқтисодиётни тартибга солишнинг анъанавий тадбирларидан воз кечишига ва неоклассик йўналишдаги қарашларнинг қайтадан уйғонишига олиб келди.¹³ Ўз навбатида, неклассик мактабларнинг ғоялари хилма-хил докториналар кўринишида майдонга чиқди: таклиф назарияси; оқилона кутиш назарияси; янги микро ва макроиқтисодий назариялар ва ҳ.к. Бироқ шуларнинг ичида асосий ўринни етакчи мавқени сўзсиз монитаризм эгаллади. Замонавий монитаризмнинг асосчиси

¹³ Қаранг: Радионов С.С., Бабичев Ю. А. Денежно-кредитное регулирование капиталическое экономии М.: «Финансы и статистика» 1991. с.16

америкалик машхур иқтисодчи олим, Чикаго университетининг профессори, Нобель мукофоти лаурияти М. Фридмандир. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, монетаризм назариясининг ривожланишида ва унинг яхлит фикрлар оқими сифатида шаклланишида шахсан Милтон Фридманнинг хизмати жуда каттадир.

Монитаризмнинг асосий қоидалари куйидагилардан иборат:

1. Монитаризм назариясига асосан-бозор иқтисодиёти-ички барқарор тизим. Ҳамма салбий ҳолатлар давлатнинг иқтисодиётга ваколатсиз аралашувининг натижасидир. Давлатнинг аралашувини минимум даражагача пасайтириш керак.

2. Пул омили (муомаладаги пул массаси) ва номинал ЯИМ ўртасидаги корреляцияга нисбатан анча ўзвий эканлиги кўзатилади.

Монитарчилар шуни таъкидлайдиларки, муомаладаги пул миқдори ва миллий иқтисодиёт доирасида сотилган товарлар ва хизматлар ҳажми ўртасида маълум бир боғланиш мавжуд. Ушбу боғланиш И. Фишернинг алмашув тенгламаси ёки бошқача қилиб айтганда пулнинг миқдорийлик назарияси тенгламаси орқали ифодаланади.

$$M*V=P*Q$$

Бунда, M – муомаладаги пул миқдори, V – пул айланиш тезлиги, P – товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси, Q – маълум вақт даврида миллий иқтисодиёт доирасида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар миқдори.

$P*Q$ кўпайтма йил давомидаги ялпи пул маблағлари йиғиндисига тенг. Маълум бир вақт оралиғида сотилган товарлар ва хизматлар (Q) тахминан ушбу даврда ишлаб чиқаришга тенг. Бу ерда тенглик мавжуд эмас, t вақт оралиғида яратилган товарлар қайта сотилиши мумкин. Ушбу товарлар Q кўрсаткичи таркибига киради, жорий ишлаб чиқариш ҳажми V_1 кўрсаткичи таркибига кирмайди. Чунки, умумий доиравий айланмада бундай товарларнинг улуши жуда оз бўлиб, иқтисодчилар $Q=V_1$ тенгликка йўл қўядилар. Агар P – ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигининг ўртача баҳоси бўлса, у ҳолда

$$M*V=P*Y$$

Бунда, $P*Y$ ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодаси ёки номинал ЯИМ ҳажми. Бунда V ни реал ЯИМ ҳажми сифатида, P ни эса ЯИМ дефлятори сифатида қараш мумкин. Бу ерда V_k номинал ЯИМ ҳажми FM келиб чиқади.

3. Миқдорийлик назарияси тарафдорлари пул айланиши тезлигининг доимийлиги тўғрисида маълум бир маънода ён босиш абстракция ҳисобланади, чунки, V_1 албатта ўзгармай туради, лекин у сезиларсиз даражада ўзгаради. Сезиларли даражада ўзгариш эса пул муомаласини ташкил этишдаги сифат ўзгаришлари натижасида юз бериши мумкин. Бу эса ҳар доим ҳам бўлавермайди ва тўла асосда олдиндан айтса бўлади (масалан “пластик” пулларни кенг миқёсда жорий қилиш, банккомат тармоқларини кенгайтириш ва хоказо).

Агар V кўрсаткич доимий бўлса, уни маълум коэффициент K билан алмаштириш мумкин, бунда миқдорийлик назариясининг тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$K*M=P*Y$$

Ушбу кўринишдаги тенгламада номинал ЯИМ ҳажми пул таклифига боғлиқ эканлигини ифода этади, яъни муомаладаги пул миқдорининг ўзгариши пропорционал равишда номинал ЯИМга ёки бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқаришнинг пулдаги ифодаси пулнинг айланиш тезлиги доимий бўлган шароитда муомалада пул миқдори билан аниқланади.

Монетаризм назариясига М. Фредмандан ташқари, К. Брунер, А. Милцер, Д. Лейдлер ва бошқалар киради. Монитаристлар фикрига кўра, пулга бўлган талаб даражаси ялпи маҳсулот ва пулнинг айланиш тезлигидан ташқари банк фоизи ҳамда инфляция даражасига боғлиқ. Банк фоизлари ошса, пулга бўлган талаб қисқаради ва аксинча фоизлар тушса, пулга бўлган талаб ортиб боради. Худди шу каби инфляциянинг ўсиш субъектлари ҳам пулга бўлган талабни оширади.

Ҳозирги замон монитаризмига бир гуруҳ иқтисодчилар қаламига оид “Пулнинг миқдорийлик назариясига оид тадқиқотлар” (1956 й.) деб номланган асар билан асос

солинди. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул ҳисобланади деган хулосадан иборат.

IV-БОБ. МАРКАЗИЙ БАНК ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИНГ ТРАДИЦИОН (АНЪАНАВИЙ) ИНСТРУМЕНТЛАРИ

4.1. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати

Марказий банкнинг пул-кредит сиёсатини амалга оширишда унинг анъанавий инструментларидан фойдаланиш амалиёти ҳал қилувчи ўрин тутди. Нафақат ривожланган саноат мамлакатларида (катта етилик давлатлари — АҚШ, Япония, ГФР, Франция, Буюк Британия, Италия ва Канада давлатлари назарда тутилмоқда), балки ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида ҳам анъанавий монетар инструментлардан фойдаланиш пул-кредит сиёсатини амалга оширишнинг таянч воситалари вазифасини бажармоқда.

Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати анъанавий монетар инструментларнинг турларидан бири ҳисобланади. Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати Марказий банк томонидан тижорат банкларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг мажмуи бўлиб, ушбу сиёсат қуйидаги уч хил кредитлаш усулидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади:

а) тижорат банкларини Марказий банк томонидан уларнинг балансидаги тратталарни қайта ҳисобга олиш йўли билан кредитлаш усули;

б) тижорат банкларини Марказий банк томонидан уларнинг балансидаги қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан кредитлаш усули;

в) тижорат банкларини тўғридан тўғри кредитлаш усули.

Мазкур усулда берилган кредитлар овердрафт шаклида ёки муддатли кредитлар шаклида берилади.

Ўзбекистон Республикасининг хўжалик амалиётида миллий валютада эмиссия қилинган тратталар муомаласининг мавжуд эмаслиги мамлакатимиз Марказий банкининг дисконт сиёсатини шакллантириш имконини бермайди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг муомаладаги пул массасига таъсир этиш даражасига ва шунинг асосида миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини оширишга нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Республикамиз тижорат банкларининг балансида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар миқдорининг нисбатан жуда кичиклиги мамлакатимиз Марказий банки томонидан бериладиган ломбард кредитларининг ҳажмини оширишга жиддий тарзда тўсқинлик қилмоқда. Масалан, 2006 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий миқдори 38,9 фоизни ташкил этди. Бу эса, уларнинг брутто активлари умумий миқдорининг атиги 0,6 фоизини ташкил қилади¹⁴. 38,9 млрд. сўм миқдоридаги юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган банк инвестицияларининг 4,8 млрд. сўми Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигацияларига қилинган инвестицияларга, 34,1 млрд. сўми республика ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларга тўғри келди.

Шуниси ҳарактерлики, сўнгги йилларда республикамиз тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг пасайиш суръати кўзатилмоқда. Чунончи, 2003 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2005 йилда унинг амалдаги даражаси 0,6 фоизни ташкил этди¹⁵.

Республикамиз тижорат банкларининг юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилган инвестицияларининг миқдори даражасининг жуда паст эканлиги Марказий банкнинг ломбард кредитлари ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини бермаяпти.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жорий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

Кўпчилик хорижий давлатларда, шу жумладан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар тижорат банклари активларининг умумий миқдорида сезиларли даражада юқори салмоқни эгаллайди. Масалан, Россия Федерациясида 2005 йилнинг 1 декабрь ҳолатига, тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилган инвестицияларининг умумий миқдори 467066 млн. рублни ташкил этди. Бу эса, уларнинг брутто активлари миқдорининг 5,0 фоизини ташкил этади¹⁶. Бунда Россия тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий миқдори 815562 млн. рублни ташкил этди. Демак, Россия тижорат банклари томонидан ҳукуматнинг юқори ликвидли қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг умумий миқдоридаги салмоғи 57,3 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, тижорат банкларининг марказлашган ломбард кредитларини олиш имкониятини сезиларли даражада оширишга хизмат қилади.

Демак, ҳозирги даврда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш сиёсати доирасида амалга ошириладиган дисконт операцияларининг мавжуд эмаслиги, ломбард операцияларининг эса ривожланмаганлиги, бизнинг фикримизча, қисқа муддатли даврий оралиқларда, Марказий банкнинг тижорат банкларига бериладиган муддатли кредитларининг ҳажмини ошириш йўли билан миллий ссуда капиталлари бозоридаги ресурслар таклифига ва кредитларнинг ўртача бозор даражасига таъсир этиш заруриятини юзага келтиради.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказлашган кредитлар бериш амалиётининг амалдаги ҳолатига баҳо берамиз.

¹⁶ Бюллетень банковской статистики ЦБ РФ. – Москва: Полиграфбанксервис, 2006, с.89.

**Ўзбекистон Республикасининг йирик тижорат банклари томонидан олинган
марказлашган кредитларнинг уларнинг кредит қуйилмаларига нисбатан салмоғи¹⁷**

Тижорат банклари	Олинган марказлашган кредитларнинг банкларнинг кредит қуйилмаларига нисбатан салмоғи, %				
	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
ТИФ Миллий банки	3,0	1,9	1,6	1,3	1,2
Асакабанк	3,0	2,2	1,5	0,9	0,7
Саноатқурилишбанки	55,9	41,1	28,6	21,1	15,1
Пахтабанк	42,2	26,0	11,3	6,0	3,4
Ғаллабанк	70,2	40,2	29,0	32,2	30,7

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, ТИФ Миллий банки 2001-2003 йиллар мобайнида марказлашган кредитларни катта миқдорда жалб этмаган. Бунинг асосий сабаби — мамлакатимиз иқтисодиётига Ўзбекистон ҳукуматининг кафолати асосида жалб этилган халқаро инвестицион кредитларнинг 95 фоиздан ортиқ қисмини ТИФ Миллий банки орқали жалб этилганлигидир. Натижада мазкур кредитлар Миллий банк орқали берилган кредитлар учун ресурс манбаи вазифасини ўтаган ва бунинг оқибатида Миллий банкда марказлашган кредитларни катта миқдорда жалб этиш зарурияти юзага келмаган. Масалан, 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, ТИФ Миллий банки орқали берилган кредитларнинг 52,9 фоизи хорижий банклар ва халқаро молия-кредит ташкилотларининг кредитлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, 82,4 фоизни ташкил қилган эди¹⁸.

Таҳлил қилинган давр мобайнида Асакабанкда ҳам марказлашган кредитлардан фаол тарзда фойдаланилмаганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бунинг сабаби шундаки, ушбу банкда хорижий банклардан олинган кредитлар ва регулятив капиталнинг ресурслар ҳажмидаги сезиларли даражада юқоридир. Масалан, 2001 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, хорижий банклардан олинган кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 19,1 фоизни ташкил қилган бўлса, регулятив капиталнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғи 80,7 фоизни ташкил қилди. 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, мазкур кўрсаткичлар мос равишда 37,4% ва 36,8 фоизни ташкил этди¹⁹.

Айни вақтда, 1-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2001-2005 йиллар мобайнида марказлашган кредитларнинг нисбатан юқори салмоғи фақат 2 та банкда — Ўзсаноатқурилишбанки ва Ўзғаллабанкда сақланиб қолган. Бунинг сабаби шундаки, Саноатқурилишбанки Ҳукумат дастурлари асосида молиялаштирилаётган лойиҳаларни марказлашган ресурслар ва Ҳукуматнинг кафолати асосида молиялаштириш жараёнида иқтисодий агент вазифасини ўтайди. Давлат буюртмаси асосида ва давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган ғаллани етиштириш мақсадига йўналтирилган марказлашган кредитларнинг асосий қисми Ғаллабанк орқали жойлаштирилган эди. Ҳозирги кунда давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган пахта ва ғаллани етиштириш мақсадига берилаётган кредитларнинг асосий қисми Молия вазирлиги ҳўзуридаги Фонд томонидан молиялаштирилмоқда. Фонд маблағлари томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар қишлоқ хўжалигига берилаётган кредитларнинг ўрнини эгаллади.

Шуниси характерлики, республикаимиз тижорат банклари кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмида Марказий банк томонидан берилган кредитлар жуда кичик салмоқни эгаллайди. 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қуйилмаларининг умумий миқдори 4095,4 млрд. сўмни ташкил

¹⁷ Мазкур банкларнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.


¹⁹ ДАТ «Асака» банкнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

қилгани ҳолда, унинг атиги 2,0 фоизи Марказий банкнинг кредитлари ҳисобидан берилган кредитларнинг ҳиссасига тўғри келди²⁰.

Марказлашган кредитларнинг республикамиз тижорат банклари кредит ресурсларининг умумий ҳажмида жуда кичик салмоққа эга эканлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг дисконт сиёсатининг мавжуд эмаслиги ва унинг ломбард операцияларининг ривожланмаганлиги Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсатини такомиллашмаганлигидан, унинг муомаладаги пул массасини тартибга солишдаги аҳамиятининг паст эканлигидан далолат беради.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларини кредитлаш ҳажмини ошириш йўли билан банк кредитларининг фоиз ставкаларининг даражасига реал таъсир этиши ва шу асосда уларнинг кредитларига бўлган талабни рағбатлантириши ҳамда тижорат банкларининг жорий ликвидлик даражасини сезиларли даражада ошириши лозим. Бу эса, пировард натижада, сўмнинг ўрта ва ўзоқ муддатли даврий оралиқларда барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган иқтисодий муҳитни юзага келтиради.

Ушбу ўринда табиий бир савол туғилиши мумкин, яъни Марказий банкнинг қайта молиялаш сиёсати орқали тижорат банкларининг кредит эмиссиясини рағбатлантирилиши муомаладаги пул массасининг кескин ошишига ва шунинг асосида инфляцияни кучайишига олиб келмайдими, деган савол туғилиши мумкин. Чунки буюк М. Фридменнинг пул-кредит концепциясидаги муҳим қоидалардан бири - тижорат банкларининг кредит эмиссиясини кескин ошиши муомаладаги пул массасининг ошишига ва шунинг асосида инфляциянинг кучайишига олиб келади, деган қоида ҳисобланади. Аммо бизнинг фикримизча, М. Фридменнинг ушбу қоидаси Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги даврида ўз исботини топмайди. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирги даврда, республикамизда миллий иқтисодиётнинг банк кредитлари билан таъминланиш даражаси нисбатан жуда паст. Фикримизнинг исботи тариқасида қуйидаги расм маълумотларига муурожаат қиламиз.



1-расм. Тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги салмоғи (2006 йилнинг 31 декабрь ҳолатига)²¹

Расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, МДХ давлатлари орасида тижорат банклари кредитларининг ЯИМдаги салмоғи кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасида нисбатан сезиларли даражада паст. Бу эса, миллий иқтисодиётнинг банк

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жорий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

²¹ Расм Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Украина марказий банкларининг расмий статистик маълумотлари асосида шакллантирилди.

кредитларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида долзарб муаммоларнинг мавжудлигидан далолат беради.

4.2. Марказий банкнинг мажбурий захира сиёсати

Мажбурий захира сиёсати Марказий банк пул-кредит сиёсатининг анъанавий инструментларидан бири ҳисобланади. Ушбу инструмент дастлаб тижорат банкларининг кредит экспансиясини жиловлаш мақсадида АҚШ банк амалиётига жорий қилинган эди.

Ҳозирги даврга келиб мажбурий захира сиёсати муомаладаги пул массасини тартибга солишнинг, миллий банк тизимининг ликвидлигига Марказий банк томонидан таъсир этишнинг муҳим, таъсирчан воситасига айланди.

Мажбурий захира сиёсати кам сонли давлатларда пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида қўлланилмайди. Бундай давлатлар сафига Канада, Люксембург, Япония, Буюк Британия ва Швецияни киритиш мумкин.

Марказий банк пул-кредит сиёсатининг инструментларидан фойдаланиш амалиёти такомиллашмаган мамлакатларда, хусусан, кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида мажбурий захира сиёсатидан Марказий банк пул-кредит сиёсатининг асосий инструментларидан бири сифатида фойдаланилмоқда. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида молия бозорлари ривожланмаган бўлиб, бу ҳолат марказий банкларнинг очиқ бозор сиёсатини, қайта молиялаш сиёсати ва валюта сиёсатини ривожлантиришга тўсқинлик қилади; иккинчидан, мажбурий захира сиёсати муомаладаги пул массасига бевосита ва тез таъсир қилиш хусусиятига эга.

Мажбурий захира сиёсати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг асосий, анъанавий инструментларидан бири ҳисобланади. Айниқса, Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг ривожланмаганлиги (бу ҳақда 4.3-параграфда батафсил тўхталанади) мажбурий захира сиёсатининг аҳамиятини янада оширади.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикаимиз Марказий банки мажбурий захира сиёсатининг асосий талабларини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий захира талабномалари²² (%)

Депозит тури	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.
Трансакцион депозитлар	25	20	20	18	15
Жамғарма депозитлари	25	20	20	18	15
Муддатли депозитлар	25	20	20	18	15
Хорижий валютадаги депозитлар	0	0	0	0	8

Изоҳ: 2004 йилнинг 5 июлидан бошлаб мажбурий захира ставкаси сўмдаги депозитлар бўйича 18 фоиз қилиб белгиланди.

2001-2005 йиллар мобайнида республика Марказий банкининг сўмдаги депозитларга нисбатан белгилаган мажбурий захира ставкаларининг сезиларли даражада пасайиб бориши кўзатилди. Бу эса, хорижий валюталарга нисбатан трансакцион депозитлар шаклида юзага келадиган талаб суммасини сезиларли даражада ошишига олиб келди. Бунинг устига, мажбурий захира талабномаларининг тижорат банкларининг депозит базасига нисбатан салбий таъсири сақланиб қолди. Бунинг сабаби шундаки,

²² Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расман эълон қилинган маълумотлари асосида тузилди.

амалдаги 15 фоизли ставка нисбатан юқори ставка бўлиб, депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилмаган. Мазкур 15 фоизли ставкани нисбатан юқори дейишимизнинг сабаби шундаки, ривожланган мамлакатларда ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилигида мажбурий захираларнинг сезиларли даражада паст ставкалари қўлланилади. Масалан, еврозолага кирувчи барча мамлакатларнинг тижорат банклари учун Европа Марказий банки томонидан 2,0 фоизли мажбурий захира ставкаси қўлланилади²³. Евро муомалага киритилгунга қадар Европа Иттифоқига (ЕИ) аъзо бўлган мамлакатларнинг ичида мажбурий захира ставкаси нисбатан Италия ва Испанияда юқори эди (20 фоизгача). Бунинг асосий сабаби бўлиб, инфляциянинг йиллик даражасини ушбу иккала мамлакатда ЕИнинг бошқа мамлакатларига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги ҳисобланарди. Ўзбекистонда эса, мажбурий захира ставкаларининг даражасини белгилашда инфляция омилини ҳисобга олишга зарурият йўқ. Чунки мамлакатимизда инфляциянинг мўътадил даражасини таъминлашга муваффақ бўлинган. Масалан, инфляциянинг йиллик даражаси 2003 йилда 3,8 фоизни, 2004 йилда 3,7 фоизни, 2005 йилда 7,8 фоизни, 2006 йилда эса, 6,8 фоизни ташкил этди²⁴.

Шуниси ҳарактерлики, айрим МДҲ давлатларида (Россия, Қозоғистон) сўнги йилларда марказий банкларнинг мажбурий захира ставкаларини пасайиб бориши кўзатилмоқда. Масалан, Россия Федерацияси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг рублдаги депозит ҳисобрақамларининг қолдиқларига нисбатан мажбурий захира ставкаси 2004 июлнинг 8 июлидан бошлаб 3,5 фоиз қилиб белгиланди. Ҳолбуки, 2004 йилда мажбурий захира ставкаси 7 фоиз эди²⁵.

Халқаро банк амалиётида мажбурий захира ставкаларини депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштириш тартиби кенг қўлланилади. Масалан, АҚШ банк амалиётида паст захира ставкалари (3%) 179 кундан ортиқ муддатга жалб қилинган муддатли депозитларга нисбатан қўлланилади, 179 кунгача муддатга жалб қилинган муддатли депозитлар учун 5 фоизли ставка жорий этилган. Суммаси 5 млн. доллардан 52 млн. долларгача бўлган трансакцион депозитларга нисбатан 3 фоизли мажбурий захира ставкаси қўлланилгани ҳолда, суммаси 52 млн. доллардан юқори бўлган трансакцион депозитларга 10 фоизли захира ставкаси қўлланилади²⁶. Демак, трансакцион депозитнинг суммаси қанчалик катта бўлса, мажбурий захира ставкаси унга нисбатан шунчалик юқори белгиланади. Бу эса, хорижий валюталарга нисбатан жорий депозит ҳисобрақамларининг қолдиқлари сифатида юзага келадиган талабнинг миқдорини камайтиришга хизмат қилади. Муддатли депозитларга нисбатан паст захира ставкаларининг белгиланиши мажбурий захира ставкаларининг тижорат банкларининг депозит базасига нисбатан юзага келадиган салбий таъсирга барҳам беради ва ўз навбатида, тижорат банкларининг муддатли депозит ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдорининг ошишига, жорий депозит ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдорининг камайишига олиб келади. Бу эса, миллий валюта курсининг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Буюк Британия, Япония, Канада, Люксембург, Швецияда мажбурий захира сиёсатидан Марказий банк пул-кредит сиёсатининг инструменти сифатида фойдаланилмаслигининг асосий сабаби, фикримизча, мазкур мамлакатларда пул-кредит сиёсатининг очиқ бозор сиёсати, қайта молиялаш сиёсати, валюта сиёсати каби анъанавий инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашганлигидир. Шу сабабли, мазкур мамлакатларда мажбурий захира ставкалари орқали тижорат банкларининг

²³ European Central Bank Report 2002. –Fr/M.: 2003.

²⁴ Ўзбекистон Марказий банкнинг йиллик ҳисобот маълумотларидан олинди. –Тошкент, 2007.

²⁵ Основные направления единой государственной денежно-кредитной политики на 2005 год // Деньги и кредит. –№11, 2004. с. 14.

²⁶ Энциклопедия банковского дела и финансов. Изд. 10-е. Под. ред. Ч.Дж. Вулфел. Пер. с англ., 2000. с. 17.

депозит базасига таъсир қилиш йўли билан уларнинг кредит экспансиясини жиловлаш зарурияти мавжуд эмас.

Шуниси характерлики, мажбурий захира ставкаларини депозитларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштириш захира талабномалари миқдорини ҳисоблаш ва унинг тўғри ҳисобланаётганлиги устидан Марказий банк назоратини амалга оширишни қийинлаштиради. Аммо қийинчиликдан қочиб, захира ставкаларини табақалаштирмаслик мажбурий захира сиёсатидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш имконини бермайди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги мажбурий захира сиёсатининг сўмнинг алмашув курсига нисбатан салбий таъсирининг икки жиҳати мавжуд:

1. Мажбурий захира ставкаларининг сўмдаги депозитларнинг ҳар бир тури бўйича (трансакцион депозитлар, жамғарма депозитлари, муддатли депозитлар) уларнинг суммаси ва муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилмаганлиги трансакцион депозитларнинг жами депозитлар ҳажмидаги салмоғининг юқори даражада сақланиб қолаётганлигининг асосий сабабларидан биридир. Чунки муддатли депозитларга нисбатан паст даражадаги захира ставкаларининг қўлланилмаслиги тижорат банкларига мазкур депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириш имконини бермайди. Натижада, жорий депозит ҳисобрақамларидаги маблағларнинг миқдори йириклигича қолаверади. Бу эса, хорижий валюталарга нисбатан юқори даражадаги талабни юзага келтиради.

2. Тижорат банкларининг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан мажбурий захира талабномаларининг жорий этилганлиги уларнинг хорижий валютадаги маблағларни муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш имкониятини янада пасайтиради. «Янада» дейишимизнинг сабаби шундаки, ҳозирги даврда республикамыз тижорат банклари томонидан жалб этилган хорижий валютадаги муддатли депозитларнинг асосий қисми хорижий банкларга депозит сифатида жойлаштирилмоқда. Хорижий банклар эса, бу депозитларга бозор ставкалари (LIBOR, FIBOR)да фоиз тўлайди. Депозитларнинг бозор ставкалари эса сезиларли даражада паст бўлиб, Ўзбекистон ички бозорида хорижий валюталардаги депозитларга бўлган талабни ифода этмайди. 2006 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамыз тижорат банклари томонидан хорижий валюталардаги депозит ҳисобрақамларига жалб этилган маблағларнинг 90 фоиздан ортиқ қисми хорижий банкларга LIBOR бўйича жойлаштирилди²⁷. Демак, республикамыз тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларга фоиз тўлаш имконияти халқаро ссуда капиталлари бозори ставкаларининг даражаси билан чегараланган.

Ҳозирги даврда республикамызнинг тижорат банклари трансакцион депозитлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тўзмасдан туриб кредит ресурси сифатида фойдаланишмоқда. Бу эса, банкларнинг барқарор ресурс манбаларини кидириб топишдан манфаатдорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Ҳолбуки, АҚШ банк амалиётида ҳам, Фарбий Европа мамлакатларининг банк амалиётида ҳам трансакцион депозитлардан тижорат банкларининг фаолиятида тўғридан-тўғри фойдаланиш таъқиқланган.

4.3. Марказий банкнинг очик бозор сиёсати

Марказий банкнинг очик бозор сиёсати деганда, одатда, Марказий банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозларни сотиб олиниши ёки сотилиши тушунилади.

Марказий банкларнинг очик бозор операцияларида олди-сотди объекти сифатида, асосан, қуйидаги қимматли қоғозлардан фойдаланилади:

- хазина векселлари;

²⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жорий ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланди.

- ҳукуматнинг облигациялари;
- ҳукуматнинг ўрта ва ўзоқ муддатли ҳазина мажбуриятлари;
- корпоратив облигациялар;
- тижорат банкларининг депозит сертификатлари;
- корхоналарнинг тижорат векселлари.

Мазкур қимматли қоғозларнинг бир қисми пул бозорига тегишли бўлса, иккинчи қисми капиталлар бозорига тегишлидир. Масалан, ҳазина векселлари пул бозорининг инструменти ҳисобланади, корпоратив облигациялар эса, капиталлар бозорига тегишлидир.

Бир қатор ривожланган саноат давлатларида, масалан, АҚШ, ГФР, Буюк Британия ва Францияда Марказий банкнинг қимматли қоғозни бевосита эмитентнинг ўзидан сотиб олиши очик бозор операцияси ҳисобланмайди, балки кредит операцияси ҳисобланади. Масалан, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини бевосита ҳукуматнинг ўзидан сотиб олиш Давлат бюджети ҳаражатларини Марказий банк томонидан кредитланиши ҳисобланади. Шунингдек, ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг курсини сақлаш мақсадида амалга ошириладиган жорий операциялар ҳам очик бозор операциялари ҳисобланмайди.

Марказий банк, одатда, очик бозор сиёсатини амалга ошириш йўли билан миллий банк тизимининг захираларига икки усул билан таъсир қилади:

1. Агар Марказий банк тижорат банкларининг ликвидлигини оширишни ва миллий валютадаги пулларнинг таклифини оширишни мақсад қилиб олган бўлса, у ҳолда, Марказий банк бозорда қимматли қоғозларни сотиб олувчи бўлиб иштирок этади. Бунда Марказий банк қимматли қоғозларга қатъий белгиланган курс ўрнатиши ва курс шу белгиланган даражага етиши билан таклиф қилинган барча қимматли қоғозларни сотиб олиш йўлидан фойдаланиши мумкин. Ёки Марказий банк таклиф этилган пайтдаги курснинг қандай бўлишидан қатъий назар, маълум турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш миқдорини белгилаши мумкин.

2. Агар Марказий банк миллий банк тизимидаги ортиқча ликвидликни камайтиришни мақсад қилиб олган бўлса, у ҳолда, Марказий банк қимматли қоғозлар бозоридан сотувчи бўлиб иштирок этади. Бунда ҳам Марказий банк икки имкониятга эга бўлади:

– Марказий банк маълум курсни эълон қилиши ва қимматли қоғозларнинг курси эълон қилинган даражага етиши билан исталган миқдордаги қимматли қоғозни сотиш мажбуриятини олиши мумкин;

– Марказий банк қўшимча тарзда маълум миқдордаги қимматли қоғозни сотиш мажбуриятини олиши мумкин. Бунинг натижасида давлатнинг қимматли қоғозларидан ва бошқа юқори ликвидли қимматли қоғозлардан келадиган даромадларнинг миқдори ошади ва шунинг асосида уларнинг инвестицион жозибаторлиги ошади. Пировард натижада, тижорат банклари ва бошқа кредит институтларининг мазкур қимматли қоғозларга бўлган қизиқиши кучаяди ва уларнинг кредитлаш салоҳияти пасаяди. Бу эса, ўз навбатида, кредитларнинг фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади. Агарда фоиз ставкаларининг шу тахлитда ўсиши Марказий банкни қониқтирмаса, у яна қимматли қоғозларни сотиб олиши мумкин. Бундай ҳолатни бир қатор ривожланган саноат мамлакатлари марказий банкларининг фаолиятида кўзатиш мумкин. Масалан, ГФР Федерал банки (Бундесбанк) томонидан очик бозорда қатъий фоизли қимматли қоғозларни сотиб олиш 1975 йилнинг иккинчи ярмига келиб ўзининг юқори чўққисига чикди. Бу вақтда Бундесбанк банкларнинг ликвидлигини таъминлаш ва фоиз ставкаларини ўзининг пул-кредит сиёсатининг оралик ва тактик мақсадларига мос келадиган даражасидан ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 7,5 млрд. немис маркаси миқдоридаги суммага юқори ликвидли қимматли қоғозлар сотиб олган эди. 1976 йилда эса, аксинча, Бундесбанк бундай қимматли қоғозларни жуда катта миқдорда сотди²⁸. Бунинг сабаби шундаки, Бундесбанк

²⁸ Немецкий Федеральный банк: денежно-политические задачи.-Франкфурт-на-Майне.-№7, 1993 с. 84-85.

қатъий фоизли қимматли қоғозларнинг курсини ошиши натижасида банк кредитлари ва депозитлари фоиз ставкаларининг пасайиш жараёнини тўхтатиб қўймасдан туриб, бозордан катта миқдордаги ликвидлиликни олиб қўйиши зарур эди. Биргина 1976 йилнинг ўзида Бундесбанкнинг қимматли қоғозлар портфели 6,5 млрд. немис маркасига камайди²⁹.

Шуниси ҳарактерлики, кўпчилик ривожланган саноат мамлакатларида маълум турдаги қимматли қоғозларга нисбатан курсни белгилаб қўйиш сиёсати қўлланилади. Мазкур усулнинг моҳияти шундаки, Марказий банк, қисқа муддатли қарз мажбуриятлари билан операцияларни амалга ошираётганида, минимал ставкани кўрсатади. Шундан кейин тижорат банклари, уларнинг кредитга бўлган талаблари қондирилган шароитда, тўлашга рози бўлган ставкани кўрсатиб ариза берадилар. Марказий банк тушган аризалар асосида ўзининг ҳисоб ставкасини аниқлайди. Бунда юқори фоиз ставкалари таклиф қилган кредит институтлари катта миқдорда кредит ресурслари оладилар.

Очиқ бозор операцияларининг эътиборга молик жиҳатларидан бири шундаки, халқаро банк амалиётида Марказий банк билан тижорат банклари ўртасида курсни белгилаш борасидаги шартномани имзолашда қуйидаги икки хил стандарт мавжуд:

1. Фоиз ставкалари барча тижорат банклари учун ягона ставкада белгиланади.

Ушбу стандарт «кредитларни тақсимлашнинг голландча усули» деб аталади.

2. Фоиз ставкалари ҳар бир тижорат банкига нисбатан алоҳида ўрнатилади. Ушбу стандарт «америкача стандарт» деб аталади.

Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсати орқали тижорат банклари томонидан депозитларга тўланадиган ва кредитлардан олинадиган фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиш мумкин. Мазкур таъсир механизми қуйидаги кўринишга эга: Марказий банк иқтисодиётнинг нобанк секторидаги хўжалик юритувчи субъектлар билан очиқ бозор операцияларини амалга оширганида пул бозорини тартибга солиш мақсадини кўзламайди.

Демак, Марказий банк томонидан сотиб олинувчи қимматли қоғозлар таркибига кирмайдиган қимматли қоғозларнинг сотилиши ҳам банк тизимининг ликвидлигини камайтиради. Бундан ташқари, Марказий банк, нобанк секторидаги хўжалик юритувчи субъектларга қимматли қоғозларни сотишда юқори фоизлар белгилаш йўли билан, тижорат банкларининг депозитларга тўлайдиган фоиз ставкаларига фаол тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очиқ бозор операцияларида олди-сотди объекти бўлиб ҳукуматнинг қисқа муддатли облигациялари ва ўрта муддатли хазина мажбуриятларидан фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, республикада муомалада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари мавжуд. Аммо бу облигациялар тижорат банкларининг вакиллик ҳисобрақамларидаги ликвидлиликнинг маълум қисмини олиб қўйиш мақсадида эмиссия қилинган.

Биз қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг очиқ бозор сиёсатининг амалдаги ҳолатига баҳо берамиз.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, таҳлил қилинган давр мобайнида республикада тижорат банкларининг Ўзбекистон ҳукуматининг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг уларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғи жуда пастлигича қолган. Бунинг устига, 2005 йилдан бошлаб ушбу кўрсаткич пасайиш суръатига эга бўлган. Мазкур ҳолатлар республикада Марказий банкининг очиқ бозор операцияларининг ривожланмаганлигидан далолат беради. Ушбу операцияларни ҳукуматнинг қимматли қоғозларининг эмиссия ҳажмини ошириш йўли билан ривожлантириш, фикримизча, мақсадга мувофиқ, эмас.

²⁹ Немецкий Федеральный банк: денежно-политические задачи.-Франкфурт-на-Майне.-№7, 1993 с. 84.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларининг даражаси ва динамикаси³⁰ (молиявий йилнинг сўнгги санасига)

Кўрсаткичлар	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й	2006 йилда 2002 йилга нисбатан ўзгариши
1. Тижорат банкларининг брутто активлари, млрд. сўм	3918,2	4416,2	5004,2	5630,6	7203,5	183,8 %
2. Тижорат банкларининг ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестициялари, млрд. сўм	28,4	32,1	36,1	33,9	34,1	120,0 %
3. Ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг банкларнинг брутто активлари ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши, %	0,7	0,7	0,7	0,6	0,5	-0,2 ф.п.

Чунки Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан дефицитсиз бюджет сиёсати олиб борилмоқда. Ҳукуматнинг қимматли қоғозлари эса, Давлат бюджети дефицитини қоплашнинг ноинфляцион манбаи ҳисобланади ва бинобарин, уларнинг эмиссия ҳажми давлат бюджети дефицитининг миқдори ва даражаси билан белгиланади. Демак, Ўзбекистонда Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсатини такомиллаштиришнинг бошқа, ноанъанавий усуллари қидириб топмоқ керак.

Ривожланган давлатларда ва бир қатор ўтиш иқтисодиёти давлатларида ҳукуматнинг қимматли қоғозларига тижорат банклари томонидан қилинган инвестициялар улар активларининг умумий ҳажмида сезиларли даражада юқори салмокни эгаллайди. Бу эса, мазкур мамлакатларнинг марказий банкларига очиқ бозор сиёсатини фаол тарзда амалга ошириш имконини беради. Масалан, Германиянинг энг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Дойчебанк активларининг умумий ҳажмида фақатгина РЕПО шarti бўйича Марказий банкдан сотиб олинган қимматли қоғозларнинг салмоғи, 2005 йилнинг 31 декабрь ҳолатига, 13,2 фоизни ташкил қилди³¹. Мазкур кўрсаткичнинг юқори даражасини Франция ва Италиянинг йирик тижорат банкларида кўзатиш мумкин.

Бизнинг фикримизча, рспубликамиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида халқаро рейтинг агентликларининг (Стандарт энд пурс, Мудс) юқори кредит рейтингига (камида В+) эга бўлган мамлакатимиз корхоналарининг облигациялари ва имтиёзли акцияларини Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларининг объектлари таркибига киритиш йўли билан унинг очиқ бозор сиёсатини такомиллаштириш зарур.

Фикримизча, Марказий банкнинг очиқ бозор сиёсатини амалга оширишда Марказий банкнинг савдо ҳамкорларини танлашнинг халқаро амалиётда қабул қилинган принципларига қатъий риоя қилиш лозим. Халқаро амалиётда Марказий банкнинг очиқ бозор операцияларида иштирок этувчи тижорат банкларини (савдо ҳамкорлари) танлашда қуйидаги икки принципдан фойдаланилади:

1. Агар Марказий банк очиқ бозор операцияларини доимий равишда амалга оширмаса (масалан, ҳафтада бир марта амалга оширса), у ҳолда, ушбу операцияларда барча тижорат банклари иштирок этишади.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисобот маълумотлари ва «Ўзбекистон иқтисодиёти» бюллетени маълумотлари асосида ҳисобланди.

³¹ Deutsche bank – Annual Report 2005. Consolidated balance sheet. – F-M, 2006.

2. Агар Марказий банк очик бозор операцияларини доимий равишда амалга оширса, яъни ҳар куни ёки бир кунда бир неча марта амалга оширса, у ҳолда, Марказий банк унча кўп сонли бўлмаган бир нечта тижорат банкини танлайди.

Айрим ҳолларда, Марказий банк пуллар таклифига тез таъсир қилиш мақсадида битта тижорат банки билан йирик суммага очик бозор операциясини амалга оширади. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси банк тизими ривожланишининг ҳозирги босқичида Марказий банкнинг битта тижорат банки билан очик бозор операциясини амалга оширишнинг жиддий хавфли жиҳати мавжуд. Ушбу хавфли жиҳатнинг моҳияти шундаки, республикаимиз банк амалиётида мўътадил соғлом рақобат муҳити ҳозирга қадар шакллантирилмаган. Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида банклараро рақобат масаласига тўхталар экан, жумладан, шундай дедилар: «Капиталлашув даражасининг пастлиги ҳанўзгача сақланиб қолмоқда, банк хизматлари бозорида деярли рақобат йўқ»³². Билъакс, банклараро соғлом рақобат муҳити шаклланмаган ҳозирги шароитда республикаимиз Марказий банки томонидан битта ёки иккита банк билан очик бозор операциясини амалга ошириш мазкур банкларга мамлакатимизнинг бошқа тижорат банкларига нисбатан қулай нотенг рақобат шароитини юзага келтиради. Бу эса, пировард натижада, банк хизматлари бозорининг ривожланишига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради³³.

Марказий банк томонидан очик бозор операцияларини амалга оширишда тижорат банкларига нисбатан аниқ мезонларга асосланган мажбуриятлар белгиланиши лозим. Бу борада очик бозор сиёсати бўйича катта тажриба тўплаган марказий банклар (Англия Марказий банки, ГФР Бундесбанки, АҚШ ФЗТ) нинг очик бозор операцияларини амалга ошириш тартибини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, Англия Марказий банкнинг амалдаги талабига кўра, Марказий банк билан очик бозор операцияларида иштирок этувчи тижорат банклари қуйидаги мезонлар бўйича талабга жавоб беришлари лозим³⁴:

- операцияни тўлиқ ва хавфсиз режимда амалга ошириш имконини берадиган даражада техник имкониятларга эга бўлиши лозим;
- турли бозорларда ликвидликни талаб қилинадиган даражада ўзгартириш учун зарур бўлган миқёсда операцияларни фаол тарзда амалга ошириш имкониятига эга бўлиши зарур;
- очик бозордаги операцияларда доимий тарзда иштирок этиши лозим;
- Марказий банкни бозорда юзага келган шароитлар ва тенденциялар тўғрисидаги фойдали маълумотлар билан доимий равишда таъминлаб туриши зарур.

Ривожланган давлатлар марказий банкларининг тажрибаси шуни кўрсатадики, Марказий банкнинг очик бозор сиёсати унинг қайта молиялаш сиёсати ва мажбурий захира сиёсати билан мувофиқлаштирилган тарзда олиб борилгандагина кутилган самарани беради. Бу фикримизнинг далили сифатида АҚШ ФЗТ томонидан амалга оширилаётган очик бозор операцияларини келтириш мумкин.

АҚШ ФЗТнинг очик бозор сиёсати «дисконт ойнаси» орқали кредитлаш операциялари ва мажбурий захира талабномалари билан мувофиқлаштирилган тарзда олиб борилади. Учала сиёсат доирасидаги операцияларни мувофиқлаштириш Бошқарувчилар Кенгаши ва Очик бозордаги операциялар бўйича қўмита (Кўмита) томонидан амалга оширилади.

³² Ислон Каримов. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш — фаровон ҳаётимиз гаровидир. —Тошкент: Ўзбекистон, 2007, 42-бет.

³³ 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикаимиз тижорат банклари активларининг жами миқдори 6 913 млрд. сўмни ташкил қилгани ҳолда, унинг 43,4 фоизи ТИФ Миллий банкнинг хиссасига тўғри келди.

³⁴ The Bank of Englands Operations in the Sterling Money Markets. – L.: Bank of England, 2002.

Кўмита ўзининг ҳар бир мажлисидан кейин Нью-Йоркдаги Федерал захира банкига (ФЗБ) кейинги мажлисга қадар очиқ бозор операцияларини амалга ошириш тўғрисида кўрсатма беради. Кўмита Нью-Йоркдаги ФЗБни очиқ бозор операцияларини амалга ошириш бўйича агент сифатида танлаган. Шунинг учун ФЗБ нинг юқори лавозимдаги мансабдор шахсларидан бири ички бозорда амалга ошириладиган очиқ бозор операцияларини бошқаради.

ФЗТ очиқ бозор операциялари доирасида қимматли қоғозларни сотиб олганда ўзига нисбатан чекни ёзиш йўли билан тўловни амалга оширади. Сотувчининг банки чекни олиши билан уни ФЗТ га тўловни амалга ошириш учун ўзатади. ФЗТ сотувчининг банкини ФЗБ даги захира ҳисобрақамининг қолдиғини кўпайтириш йўли билан чекни акцептлайди. Шуниси ҳарактерлики, қимматли қоғозни сотувчининг банкини ҳисобрақами қолдиғининг ўсиши бошқа банкдаги захиранинг камайишига олиб келмайди. Демак, Марказий банк қимматли қоғозларни сотиб олса миллий банк тизими захираларининг умумий миқдори ошади. Бу эса, Марказий банк очиқ бозор сиёсатининг муҳим хусусияти ҳисобланади.

ФЗТ очиқ бозор сиёсати доирасида қимматли қоғозни сотса, бунинг натижасида сотиб олувчининг банкини ФЗБ даги захира ҳисобрақамининг қолдиғи камаяди. Ушбу камайиш бошқа банкнинг ФЗБ даги захира ҳисобрақами қолдиғининг кўпайишига олиб келмайди. Демак, ФЗТ қимматли қоғозларни сотса миллий банк тизими захираларининг умумий миқдори камаяди.

Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари миллий банк тизими захираларининг миқдорига бевосита таъсир қилиш йўли билан пуллар таклифига ва тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажмига ҳам кучли таъсир кўрсатади.

АҚШ иккиламчи бозорида ҳукуматнинг қимматли қоғозлари муомаласи ҳажмининг ниҳоятда катта эканлиги АҚШ ҳукумати ташқи ва ички қарзининг катта миқдорда эканлиги билан изоҳланади (01.01.2006 йил ҳолатига, АҚШ ҳукуматининг ташқи қарзи мамлакат ЯИМ нинг 68 фоизидан ошди³⁵).

Давлатнинг қарзи миқдорининг катта эканлиги уни қимматли қоғозлар эмиссиясини оширишга мажбур қилади. Бунинг натижасида, бир томондан, ҳукуматнинг қарзини ноинфляцион йўл билан ёпиш имконияти юзага келади; иккинчи томондан, Марказий банкнинг очиқ бозор операциялари орқали муомаладаги пул массасини тартибга солиш имконияти ошади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул-кредит сиёсатининг монетар инструментларидан фойдаланиш амалиётининг такомиллашмаганлиги сўмнинг алмашув курсининг барқарорлигини таъминлашга нисбатан салбий таъсирни юзага келтирган.

4.4. Марказий банкнинг валюта сиёсати

Марказий банкнинг валюта сиёсати унинг анъанавий пул-кредит инструментларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, валюта сиёсатининг пировард мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади.

Марказий банкнинг валюта сиёсати доирасида амалга ошириладиган валюта операцияларининг уч асосий тури халқаро банк амалиётида кенг қўлланилмоқда. Улар қуйидаги операциялардан иборатдир:

1. Валюта интервенциясини амалга ошириш мақсадида ўтказиладиган операциялар.

Валюта интервенцияси доирасида амалга ошириладиган валюта операциялари хорижий валютани миллий валютага сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир. Республикамизда интервенция воситаси сифатида ишлатилаётган базавий валюта АҚШ

³⁵ IMF «Financial Statistics», 2005 маълумотлари асосида ҳисобланди.

доллари бўлганлиги сабабли, шу мақсадда амалга оширилаётган операциялар АҚШ долларини сотиб олиш ва сотиш операцияларидан иборатдир.

Одатда, марказий банклар валюта интервенциясининг самарадорлигини таъминлаш мақсадида интервенция фондидан сотилган хорижий валютадаги маблағларнинг миқдорини ва интервенция ҳисоббарқамининг қолдиғини сир тутадилар. Бунинг сабаби шундаки, валюта интервенциясининг самарадорлиги деганда унинг воситасида миллий валютанинг хорижий валютага нисбатан алмашув курсининг фавқулодда ва кескин тебранишига барҳам берилиши ҳисобланади. Агар хўжалик юритувчи субъектлар Марказий банк томонидан хорижий валютани сотиш ҳажмининг ўсиб бориши шароитида миллий валютанинг қадрсизланиши давом этаётганлигини сезиб қолсалар, бу ҳолат валюта бозорида руҳий ваҳима ҳолатини юзага келтиради ва бунинг натижасида хорижий валютага бўлган талаб кескин ортиши мумкин. Бунга халқаро амалиётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1992 йилнинг сентябр ойида Ғарбий Европадаги валюта бозорларида юз берган инқироз натижасида Буюк Британия фунт стерлинги ва Италия лирасининг номинал алмашув курсининг кескин пасайиб кетиши натижасида улар Европа валюта тизимидан чиқиб кетди. Бунинг сабаби шундаки, Англия ва Италия марказий банклари ўз миллий валюталари курсларининг фавқулодда тебранишига валюта интервенцияси орқали барҳам беришнинг уддасидан чиқа олмадилар. Масалан, Англия Марказий банки валюта интервенцияси доирасида АҚШ долларини сотиш ҳажмини ошириши билан Лондон валюта бозори иштирокчилари томонидан АҚШ долларини сотиб олиш ҳажми ҳам ошиб борди. Бунинг оқибатида валюта интервенцияси самара бермади. Чунки бозорда руҳий ваҳима кучли эди. Бу эса, бозорда АҚШ долларига нисбатан кучли талабни юзага келтирди.

2. Ҳукуматнинг ташқи қарзини тўлаш бўйича Марказий банк томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари.

Маълумки, ривожланган саноат мамлакатларида, хусусан, АҚШ, ГФР, Францияда ҳукумат хорижий валюталарда захираларга эга эмас, чунки бу мамлакатларда давлатга тегишли барча олтин-валюта захиралари Марказий банкнинг балансига қонуний асосда ўтказилган. Бундай шароитда ҳукуматнинг ташқи қарзи Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захиралари ҳисобидан тўланади. Тўлов амалга оширилгандан сўнг, Марказий банк, хорижий валютада тўланган маблағнинг миллий валютадаги эквивалентини ҳукуматнинг жорий ҳисобрақамидан чегириб олади. Ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур шакли ҳукуматнинг ташқи қарз ботқоғига ботиб қолишдан сақлайди. Чунки Марказий банк ҳукуматнинг тўланиши лозим бўлган ташқи қарзининг миллий валютадаги эквиваленти мавжуд бўлмаган шароитда тўлов топшириқномасини қабул қилмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳукуматнинг ташқи қарзига хизмат кўрсатишнинг мазкур тартибидан фойдаланишда Марказий банкнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақиллигининг таъминланганлиги муҳим рол ўйнайди. Чунки Марказий банкнинг мустақиллиги тўлиқ таъминланган шароитдагина унинг Президенти ҳукуматнинг ташқи қарзини қонуний тўланишини талаб қила олади. Акс ҳолда, Ҳукумат Марказий банкни ташқи қарзни тўлашга мажбур қилади. Бундай шароитда ҳукумат Марказий банкнинг кредитларидан ташқи қарзни тўлашда манба сифатида фойдаланиши мумкин.

3. Марказий банкнинг балансидаги олтин-валюта захираларини бошқариш операциялари.

Халқаро банк амалиёти тажрибаларини ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда, Марказий банк ўзининг балансидаги олтин валюта захираларини бошқаришда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланади:

- валюта захираларини диверсификация қилиш усули;
- валютавий своп операцияларидан фойдаланиш;
- Голд своп операцияларидан фойдаланиш;
- очик валюта позицияларини қисқартириш.

Валюта захираларини диверсификация қилиш деганда тарихан бир вақтнинг ўзида бир нечта етакчи ва барқарор валюталарда захиралар ташкил қилиш тушунилади. Шуниси ҳарактерлики, сўнги йилларда бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан (масалан, Л. Красавина, А. Киреев ва бошқ.) томонидан валюта захираларининг таркибини нобарқарор валюталарни сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш йўли билан янгилаш операциялари ҳам валюта захираларини диверсификация қилиш сифатида эътироф этилмоқда. Фикримизча, бу эътироф мантқан асослидир. Чунки валюта захираларининг таркибини олди-сотди операциялари орқали янгилаш валюта захираларининг диверсификация даражасининг сифатини оширади ва валюта захираларининг рискка учраш хавфини пасайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида миллий валюта бозорида олди-сотди объекти вазифасини АҚШ доллари бажараётганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг хорижий валютадаги захираларининг 80 фоиздан ортиқ қисмини АҚШ долларида шаклланганлиги, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан чет эл валютасида берилган кредитларнинг 66 фоиздан ортиқ қисмини (2006 йилнинг 1 январь ҳолатига) АҚШ долларида берилганлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хорижий валюталардаги захираларининг диверсификация даражасига салбий таъсир қилмоқда.

Олтинни халқаро олтин бозорларида (асосан Лондон ва Цюрих бозорларида) кулай бозор баҳоларида сотиш малакали мутахассисларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, мабодо, республикамиз Марказий банкида бундай кадрларнинг, яъни олтин савдоси билан шуғулланувчи кадрларнинг етишмаслиги муаммоси мавжуд бўлса, у ҳолда Голд своп операцияларини халқаро ҳисоб-китоблар банки орқали амалга ошириш мумкин. Ҳалқаро ҳисоб-китоблар банки марказий банкларга валюталар ва олтиндаги захираларни своп шарти бўйича жойлаштириш, депозит-ссуда операцияларини амалга оширишда амалий ёрдам кўрсатади.

Шунингдек, Марказий банк Ўзбекистон ҳукуматига, унинг хорижий инвестициялар ва халқаро кредитлар бўйича берган кафиликлари бўйича мажбуриятларини бажаришда, Голд своп операциялари орқали амалий ёрдам кўрсатиши мумкин. Яъни, Марказий банк ҳукуматнинг хорижий валютадаги тўловлари учун зарур бўлган миқдордаги тушумни олиш имконини берадиган миқдордаги спот шарти бўйича сотади. Хорижий валютада олинган тушумни ҳукуматга беради. Ундан кейин эса, Марказий банк билан ҳукумат ўртасида тўзилган тўлов шартномасининг муддатидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк хорижий Марказий банк билан форвард валюта шартномасини тўзади. Форвард шартномасининг муддати тугаши билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳукуматдан олинган хорижий валютадаги тушум ҳисобидан олтинни форвард курси бўйича сотиб олади.

Миллий валюта курсининг истеъмол товарларининг баҳосига нисбатан юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирига барҳам бериш марказий банкларнинг валюта сиёсатида муҳим ўрин эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, инфляция ва валюта курси ўртасида ўзвий алоқадорлик мавжуд. Одатда, миллий валюта курсининг пасайиши келгусида инфляциянинг ўсишига олиб келади. Инфляцион тайзиқ фоиз ставкаларининг ўсиши билан сусайиши мумкин, аммо фоиз ставкаларининг ўсиши инвестицион ва истеъмолчи талабининг пасайишига олиб келиши мумкин. Агар миллий валютанинг кадрсизланиши хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция портфелининг ўзгариши натижаси бўлса, у ҳолда, бундай кадрсизланиш юқори даражадаги инфляцияни юзага келтириши мумкин. Бундай шароитда фоиз ставкаларининг ўсишини таъминлаш инфляцияни жиловлашнинг оқилона йўли ҳисобланади. Агар миллий валютанинг кадрсизланиши ташқи савдо шартларининг ўзгариши оқибати бўлса, у ҳолда фоиз ставкалари пасайтирилиши лозим. Чунки бундай шароитда соф экспорт ва умумий талаб қисқаради.

Шуниси ҳарактерлики, миллий валютанинг қадрсизланиши умумий талабнинг қисқаришига олиб келган шароитда Марказий банк томонидан рестрикцион пул-кредит сиёсатининг қўлланилиши миллий иқтисодиётнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади, яъни ЯИМнинг ўсиш суръати секинлашади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги даврда фоиз ставкалари ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорлик мавжуд эмас. Масалан, 2003-2006 йилларда тижорат банклари кредитларининг ўртача тортилган фоиз ставкасининг пасайиши тенденцияси кўзатилмоқда. Бунинг натижасида тижорат банкларининг кредит эмиссияси ҳажми сезиларли даражада ошиши, инфляциянинг ўсиши кўзатилиши лозим эди. Лекин бу ҳолатлар 2003-2006 йилларда кўзатилмади. Масалан, 2003 йилда инфляциянинг йиллик даражаси 3,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда — 3,7 фоизни, 2005 йилда — 7,8 фоизни, 2006 йилда — 6,8 фоизни ташкил этди. Фикримизча, фоиз ставкалари ва инфляция ўртасида бевосита алоқадорликнинг мавжудлиги кўзатилмаган шароитда, миллий валютанинг номинал ва реал алмашув курсларининг импорт қилинаётган товарларнинг ва экспорт қилинаётган товарларнинг баҳосига таъсирини таҳлил қилиш ва юзага келиши мумкин бўлган салбий таъсирнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валюта сиёсатида муҳим ўрин тутиши лозим.

Марказий банкнинг валюта сиёсати анъанавий монетар инструмент сифатида пул-кредит сиёсатининг оралиқ ва пировард мақсадларига мос келиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, Марказий банкнинг валюта сиёсати билан пул-кредит сиёсати ўртасида қарама-қаршилик тез-тез учраб туради. Масалан, республикамизда тижорат банкларига нақд пул тушуми бўйича «нақд пулларни қайтиш коэффициенти» деб номланувчи кўрсаткич сифатида мажбурият юкланган. Бундан ташқари республикамиз тижорат банкларининг айланма кассаларига келиб тушган нақд пулларнинг асосий қисми (75-80%) биринчи даражада тўловларни (давлат бюджетининг касса ижроси билан боғлиқ бўлган тўловлар) тўлашга йўналтирилмоқда. Натижада, республикамизнинг тижорат банкларида сўмдаги нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси юзага келди. Бундай шароитда тижорат банклари нақд хорижий валюталарни сотиб олишдан манфаатдор бўлмайди. Чунки нақд хорижий валюталарни банк томонидан сотиб олиниши унинг сўмдаги чиқимлари суммасининг ошишига олиб келади ва бунинг оқибатида нақд пулларнинг етишмаслиги муаммоси янада чуқурлашади.

Хорижий мамлакатларнинг амалиётида ҳам пул-кредит сиёсати билан валюта сиёсати ўртасидаги қарама-қаршиликни кўзатиш мумкин. Масалан, Россияда 1998-2000 йилларда миллий банк тизимидаги захираларнинг ўсиши шароитида рублдаги пул массасининг маълум қисмини муомаладан олиш имконини берадиган молиявий инструментлар етарли бўлмаганлиги сабабли пул агрегатларининг ўсиши юз беради. Бунинг натижасида баҳоларнинг ўсиш жадаллашди.

Шундай қилиб, пул-кредит муносабатларини мувофиқлаштириш учун Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг дисконт, очиқ бозорлардаги операциялар, мажбурий захира нормалари ва валюта сиёсати инструментларидан фойдаланилади. Ушбу инструментлардан фойдаланишдан бош мақсад мамлакат пул бирлиги барқарорлигини таъминлашдан иборат. Бунга эришиш учун эса пул бозорида талаб ва таклифга таъсир кўрсатиш орқали муомаладаги пул массасини мувофиқлаштиришдан иборатдир.

V-БОБ. Эмиссия-касса операцияларини ташкил этиш

5.1. Касса операциялари ва уларни ташкил этиш

Мамлакатда нақд пул оборотини ташкил этиш “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонунга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган “Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари” (1998 йил 17 декабр № 565) асосида амалга оширилади.

Ушбу йўриқномага асосан қуйидаги қоидалар асосида нақд пул обороти ташкил қилинади. Булар:

1. Барча юридик шахслар мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларининг пул маблағларини банк муассасаларида сақлашлари шарт.

2. Юридик шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоблар ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ фуқаролар иштирокидаги ҳисоб-китоблар банк муассасалари орқали, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари нақд пулсиз тартибда амалга оширилади.

3. Ташкилотлар томонидан банк муассасаларидан олинган нақд пуллар қандай мақсадлар учун олинган бўлса, фақат шу мақсадлар учун сарфланади.

4. Ташкилот ўз кассасида нақд пулларни улар қолдиғини белгиланган лимити доирасида сақлаши ва улардан тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида сарфланиши мумкин.

5. Мулкчилик шаклидан қатъий назар савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотларнинг нақд пул тушумидан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўлаш учун фойдаланиш ман этилади.

6. Нақд пул тушуми ҳисобидан маблағ сарф қилиш ҳуқуқи фақатгина Вазирлар Маҳкамасининг қарорида кўрсатилган ташкилотларга рухсат этилади

7. Ташкилотлар кассасидаги нақд пул қолдиғининг белгиланган лимитдан ортиқча қисмини ҳаммасини банкка белгиланган тартибда ва муддатда топширадилар.

8. Ташкилотлар ўз кассаларида лимитдан ортиқча фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофот, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендия, пенсия бериш учун банкдан олинган кунни кўшиб ҳисоблаганда 3-кун ушлаб туришлари (банкдан ўзоқда жойлашган хўжаликлар эса 5-кун) учун рухсат этилади.

9. Хизмат сафари билан боғлиқ ҳаражатлар учун нақд пуллар хизмат сафарига юборилаётган шахсларга мазкур ҳудудда амал қилаётган тартиб бўйича тегишли миқдор ҳажмда, кейин ҳисоб бериш шarti билан берилади. Пулнинг сарфланмаган қисми берилган муддат тугагандан кейин 3-кун ичида ташкилот кассасига қайтарилиши керак.

10. Нақд пул қабул қилиш ва топшириш бўйича касса операциялари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида тасдиқланган бирламчи ҳисоб ҳужжат шакллари билан расмийлаштирилади.

Ҳар бир банк муассасаси мулк шаклидан қатъий назар мижозларга касса хизмати кўрсатиш учун ўз таркибидаги таркибий бўлинма касса операциялари бўлими (кассаларга

эга) бўлиши керак. Банк муассасаси мижозларга касса хизмати кўрсатиш учун Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармасига пул оборотининг тўлдирилган паспорти ва тегишли ҳужжатларни (534-йўриқнома 14-илова) ўрнатилган тартибда тақдим этади. Ўз навбатида МБХББ си юқоридаги ҳужжатларни кўриб чиқиб, ўз хулосасини тайёрлайди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эмиссия – касса операциялари департаментига юборади. Шу тартибда банкда касса операцияларини юритиш бўйича рухсатнома (лицензия) олинади. Бунда асосий эътибор касса хоналарини жиҳозланишига қаратилади.

ИИВ ва ИНВЁҚББ си қоидаларига ҳам риоя қилиниши керак. Йирик банкларда касса операцияларини амалга ошириш 15 кишидан ортиқ бўлганда бўлимни алоҳида операциялар бажаришдан озод этилган бошлиқ бошқариши мумкин.

Касса операциялари бўлимларининг бошлиқлари эгаллаб турган лавозимларига Марказий банк ва тижорат банкларининг вилоят бошқармаларида тайинланадилар, тасдиқланадилар ва ундан озод этиладилар. Бўлим бошлиғи ёки касса мудир лавозимига банк тизимида камида 3 йил ишлаган шахслар тайинланади.

Банк муассасаларининг раҳбарлари кассалар ва пул омборларида бойликлар билан ишлашнинг белгиланган қоидаларини таъминловчи зарур шарт-шароитларни таъминлашлари лозим. Банклардаги касса тармоқлари “Касса тармоқларини лойиҳалаштириш ва ўрнатишнинг техникавий талаблари”га мувофиқ ҳолда жиҳозланади, уни бошқа хизматлардан ажратиб қўйиш ва қоидага кўра, бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши лозим.

Бегона шахсларнинг пул омборлари жойлашган жойни кўзатишлари ва ўрганишлари учун ҳеч қандай имконият бўлмаслиги керак. Касса биносининг эшиклари кун бўйи ичкаридан беркитилган бўлиши лозим. Эшикларга ташқарини кўриш учун кичкина махсус ойнача ўрнатилган бўлиши керак. Касса тармоғининг барча деразалари кечки пайт пардалар билан тўсилган бўлиши шарт.

Операция кассаси ҳар бир кассирнинг иш жойи кабина ўрнатиш орқали ажратиб қўйилиши лозим. Бундай ҳолда бойликлар сақланиши устидан масъул бўлган шахсларга кассирлар ишини кўзатиб туришига имкон туғилади.

Кассирлар столида қулфланадиган тортмалар бўлиши керак, унинг код номерини фақат кассирлар билиши керак. Кассирлар кун давомида бойликларни сақлаш учун сейфлар, металл шкафлар, бойликларни ташиш учун аравачалар билан таъминланиши лозим. Мижозларга хизмат кўрсатиладиган дарчаларга ичкари томонидан қулфланадиган эшикчалар ўрнатилиши лозим.

Кирим касса операцияларини амалга ошириш банклар томонидан тегишли йўриқномага асосан амалга оширилади. Нақд пулни операция куни мобайнида қабул қилиш учун банк муассасаларида кирим кассалари ташкил этилади. Корхона ва ташкилотлардан тушадиган нақд пул тушумини, турли нақд пул кўринишидаги бадаллари, фуқароларнинг нақд пул омонатлари, иш ҳақиға олинган пул маблағларининг тарқатилмай қолган қисми каби тўловларни нақд пул кўринишида банк касса ходими томонидан қабул қилинишига кассасининг кирим операциялари деб айтилади. Банк томонидан нақд пул қуйидаги ҳужжатлар асосида қабул қилинади:

А) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолидан 0402001 шаклдаги бадалнома (объявления)лар бўйича квитанциялар бериш билан, фуқаролар омонатга пул қўйганларида омонат дафтарчасига шу тўғрида ёзиб қўйлади, дафтарча кўрсатилмаган тақдирда пул қўювчига 0402004 шаклдаги квитанция берилади.

Б) транспорт корхоналари ва ташкилотларидан 0402003 шаклдаги нақд пул бадалномалари бўйича 0402003 шаклдаги квитанция бериш билан.

В) хайрия фондларига ўтказилувчи нақд пулли бадаллар 0402001 шаклдаги бадалномалар бўйича 0402004 шаклдаги квитанциялар бериш шarti билан 0402001 шаклдаги бадалномалар масъул ижрочининг имзосидан ташқари назоратчининг имзоси бўлиши керак. Мазкур операциялар бухгалтерия ходимлари томонидан алоҳида дафтарга қайд этилиш лозим.

Г) бошқа барча тушумлар 0482005 шаклдаги кирим касса ордерлар бўйича 0402004 шаклидаги квитанциялар бериш орқали қабул қилинади

Энди кирим касса операцияларини бажариш тартиби ҳақида батафсил танишиб чиқамиз. Кирим касса операцияларини бажаришдаги асосий ҳужжат бу бадалнома, яъни пул топширганлик ҳақидаги эълондир. Пул топширишдан аввал мижоз томонидан ушбу бадалнома расмийлаштирилади. Бадалноманинг ўзи 3 қисмдан иборат:

1. Бадалноманинг ўзи
2. Ордер
3. Квитанция

Ҳужжатнинг учала қисмида ҳам бир хил кўрсаткичлар тўлдириши шарт. Яъни ҳужжат расмийлаштирилган сана, мижоз корхона номи, унинг ҳисоб китоб, яъни талаб қилиб олинган депозитлар ҳисобварағи номери, операция мазмуни, яъни нима мақсадда пул топшириладилиги, пул топшираётган шахснинг фамилияси, исми, пул суммаси тўлиқ кўрсатилиши ва имзо қўйилиши керак.

Бадалноманинг номерини эса уни қабул қилаётган масъул банк ходими банкка келиб тушаётган бадалномаларни қайд этиш тартибида белгилайди. Бадалномани қабул қилиш банкда асосан назоратчига юклатилади. Баъзи банкларда, уларнинг ички тартибидан келиб чиққан ҳолда бу вазифа шу корхонага хизмат кўрсатувчи масъул ижрочи томонидан ёки бош бухгалтер ёрдамчиси томонидан бажарилади.

Кассадан нақд пулни бериш тартиби банклар томонидан тегишли йўриқномага асосан амалга оширилади. Тижорат банкларининг чиқим касса операциялари деб, банк кассаларидан нақд пулнинг берилиши билан боғлиқ операциялар тушунилади. Корхона ва ташкилотларнинг ўз ишчи ходимлари учун иш ҳақи, пенсия, стипендия, бошқа нафақалар, мукофотлар, хизмат сафари ҳаражатлари учун пул олиши мумкин.

Корхона ва ташкилотлар банкдан юқорида санаб ўтилган мақсадларга нақд пул олиш учун пул чеки расмийлаштиришлари лозим. Лекин бундан аввал корхонага янги ҳисобварақ очилаётган пайтда банкка пул чек дафтарчаси олиш учун ариза топширишлари лозим. Аризада банк номи ва коди, корхона номи, унинг талаб қилиб олинган депозит бўйича ҳисобварақ номери, чек дафтарчасининг номи, сони, ариза расмийлаштирилган сана кўрсатилади. Аризага корхона раҳбари ва бухгалтерининг имзоси ҳамда муҳр қўйилади. Банк корхонанинг аризасига асосан пул чек дафтарчаси ёзиб, ҳар бир варақда банк номи, унинг коди, корхона номи, унинг банкдаги ҳисобварақ номерини кўрсатади ва мижозга беради. Чек дафтарчасининг чеклари банкдан нақд пул олиш учун асос бўлади. Иш ҳақи олишдан бир кун аввал чек расмийлаштирилиб мижоз томонидан паспорти билан биргаликда уларга хизмат кўрсатувчи масъул ижрочига берилади. Масъул ижрочи, энг аввало, шу ташкилотнинг ҳисобрақамида етарли пул миқдори борлигини текшириб, шундан сўнггина чекнинг тўлиқ ва тўғри тўлдирилганлигини, иккита имзо ва муҳрнинг имзолар ҳамда муҳр намунаси туширилган карточкалар билан солиштириб кўради. Ҳаммаси тўғри бўлса, чекнинг бурчагидаги назорат маркасини қирқиб олиб паспорт билан бирга мижозга қайтариб беради. Назоратчи яна бир бор текширув ўтказиб, сўнг реквизитларни кассанинг чиқим журнаliga қайд қилади. Чиқим журналида сана, ҳисобрақам номери, чек суммаси, ҳисобот симболи, корреспонденция ҳисобварағи номери кўрсатилади.

Назоратчи чиқим журнали билан биргаликда чекларни ички тартибда кассага топширади. Кассир мижозни чақириб унинг паспорти ва назорат маркасини олади. Назорат маркаси номери чек номери билан тўғри келса, чекдаги паспорт кўрсаткичлари билан тўғри келса, кассир чекда кўрсатилган суммани мижозга санаб беради.

Ҳар бир тижорат банкида корхона ва ташкилотларга касса хизматини кўрсатиш учун бир қанча кассалар ташкил этилади, яъни банк муассасаси ўз таркибида таркибий бўлинма – касса операциялари бўлимига эга. Касса операциялари бўлимида бажариладиган кирим ва чиқим касса операциялари, уларни ҳисобга олиниши ва расмийлаштирилиши «Ўзбекистон Республикасида эмиссия - касса иши, пул тушумини

инкассация қилиш, юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига ва бошқа йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади. Пул ёки бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун касса операциялари бўлими таркибида кирим кассаси, чиқим кассаси, кирим – чиқим кассаси, майдалаб бериш кассаси, кечки кассалар ташкил этилади. Банкларда кассанинг кирим ва чиқим операцияларини ташкил қилиш учун бир қанча ҳисобварақлар режаси очилган.

Банклар нақд пул оборотини ташкил этадилар, ташкилотларга тушган пул тушумини топшириш тартиби ва муддатларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини ҳамда уларнинг кассалардаги қолдиқ пуллар лимитини белгилаб берадилар.

Юқорида қайд этилгани каби ташкилот ўз кассасида нақд пулларни улар қолдиғининг белгиланган лимити доирасида сақлаши ва улардан тушум ҳисобидан белгиланган меъёрлар чегарасида сарфлаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларни инобатга олган ҳолда, кассалардаги нақд пул қолдиғи лимитлари ва тушум ҳисобидан фойдаланиш меъёрлари банклар томонидан ушбу ташкилотлар раҳбарияти билан келишувга мувофиқ белгиланади.

Корхона ва ташкилотлар банклардан нақд пул олишлари ва нақд пул топшириш тартибларини юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига асосан олиб борадилар. Шу билан бирга «Ўзбекистон Республикаси банкларида пул муомиласига доир ишларни ташкил этиш тўғрисида» ги йўриқнома бўйича амалга оширадилар.

«Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га мувофиқ ташкилотлар ўз кассаларида нақд пул қолдиқлари бўйича белгиланган лимитлар доирасида нақд пулга эга бўлишлари ва тушган пуллардан ҳар йили банклар мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари иштирокида белгилайдиган меъёрлар доирасида фойдаланишлари мумкин. Ташкилотлар кассадаги белгиланган нақд пул қолдиғининг лимитдан ортиқча қисмини банклар билан келишилган тартибда ва муддатларда асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақларига киритиб қўйиш учун банкларга топширишлари шарт.

Кассадаги нақд пул қолдиғи лимитларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини, тушумини банкка топшириш тартиби ва муддатларини белгилаш учун банклар йилнинг биринчи чорагида савдо ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан йўриқномада кўрсатилган шакллар бўйича икки нусхада буюртма ҳисоб-китобини оладилар. Мустақил балансга эгаллиги ва эга эмаслигидан қатъий назар, доимий нақд пул тушимига эга бўлган ҳар бир ташкилот учун кассада қоладиган нақд пуллар лимити тушумдан пул сарфлаш меъёри ҳар йили белгиланади, зарур ҳолларда эса йил давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин. Касса оборотлари унча катта бўлмаган савдо ташкилотлари учун кассада қоладиган нақд пуллар лимити ташкилот раҳбарларининг розилиги билан, банк томонидан 2 йилга тасдиқланиши мумкин. Бошқа туманларда жойлашган савдо ташкилотларига касса қолдиғи лимитлари ҳамда тушумдан пул сарфлаш меъёрлари савдо ташкилотининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағи қайси банкда бўлса, ўша банк томонидан белгиланади. Ушбу ўрнатилган лимит ва меъёрлар савдо ташкилотлари жойлашган жойдаги банк бўлимларига маълум қилинади.

Банк бўлимлари нақд пул қолдиқларининг белгиланган лимитларини, тушумдан пул сарфлаш меъёрларини ва тушумни топшириш муддатларини ёзма равишда ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасага маълум қилади. Кассадаги нақд пул қолдиғи лимити кассага эга бўлган ва нақд пули ҳисоб-китобларни амалга оширувчи барча юридик шахсларга ўрнатилади.

Кассадаги нақд пул қолдиғининг қўйидаги меъёрлари ўрнатилади:

Доимий нақд пул тушумига эга бўлган ва уни ҳар куни иш куни охирида банкка топшириши лозим бўлган ташкилот учун кейинги иш куни эртасига нормал иш фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган миқдорда;

кейинги иш кунда топшириши лозим бўлган корхона ва ташкилотлар учун ўртача кунлик нақд пул тушумидан ортиқ бўлмаган миқдорда,

тушумни ҳар куни топширмаслик ҳуқуқига эга бўлган корхона ва ташкилотларга жами тушум ва уни топшириш бўйича ўрнатилган муддатга боғлиқ бўлган миқдорда.

Доимий нақд пул тушумига эга бўлмаган ташкилотлар учун ўртача кунлик нақд пул ҳаражати миқдорида (меҳнат ҳақи тўловлари, вақтинчалик ишга лаёқатсизлик бўйича нафақа, мукофот ва стипендия ҳаражатларидан ташқари).

Ташкилотлар ўз кассаларида нақд пулни белгиланган лимитлардан ортиқча миқдорда фақат меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий суғурта бўйича пенсия, нафақа ва стипендиялар бериш учун банкдан олган кунини кўшиб ҳисоблаган ҳолда 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида (банклардан узоқ масофада жойлашган ташкилотлар эса, 5 иш кунигача) сақлаш ҳуқуқига эга. Бу муддат тугагач, кўзланган мақсадга ишлатилмаган пуллар банкка қайтарилади ва кейинчалик ташкилотларга уларнинг биринчи талаби биланок ўша мақсадларга ишлатиш учун берилади. Тайёрлов ташкилотларининг касса лимитига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини топширувчилар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банкдан олинган нақд пул киритилмайди. Шунингдек, ташкилотларга ўз кассаларидан кутилаётган ҳаражатлар учун ўрнатилган лимитдан ортиқ нақд пул сарфлашга рухсат этилмаганлиги ҳисобга олинади.

Тушум ҳисобидан пул сарфлашнинг қўйидаги меъёрлари ўрнатилади;

Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча умумий овқатланиш корхоналарига аҳолидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун нақд пул тушумларини ишлатишнинг чекланган меъёри эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ойлик товар айланмасига нисбатан фоизларда, лекин 20 фоиздан ошмаган миқдорда, ўрнатилади. Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча комиссия савдо фаолияти билан шуғулланувчи савдо ташкилотлари тушган савдо тушумининг ўрнатилган касса лимитидан ортиқ қисмини тўлалигича банк кассасига топширишлари, комитентлар билан ҳисоб-китоб қилишни тушумдан ҳаражат қилиш орқали амалга оширишлари белгиланади, бунда етмаган қисмига банк кассасидан нақд пул олинади.

Умумий овқатланиш корхоналарига аҳолидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш учун тушум ҳисобидан пул сарфлаш меъёрлари белгилаб қўйилади, бунда тушумнинг бир қисмидан ҳаражат қилишнинг энг кўп меъёри банк муассасалари томонидан ойлик товар айланмасига нисбатан фоизлар ҳисобида қўйидагича белгиланади: марказлаштирилган фонддар ҳисобидан гўшт олувчи корхоналар учун - эҳтиёжга қараб, аммо 7 фоиздан ошмаган миқдорда, бошқа умумий овқатланиш корхоналари учун - 10 фоиз миқдорида; мулкчилик шаклидан қатъий назар барча савдо ташкилотларига сотилган комиссия товар учун нақд пул беришга товар қийматидан савдо устама ҳақи чегириб ташланган миқдорда; ҳудудий савдо - ишлаб чиқариш акциядорлик компаниялари ташкилотлари, Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги савдо, хизмат соҳаси ва халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш Департаменти ва "Матлуботсавдо"нинг ҳудудий акциядорлик компаниялари топширилган шиша идишлар учун савдо тушумидан ойлик товар оборотига нисбатан 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

Савдо ташкилотлари ва доимий пул тушумига эга бўлган барча корхоналарга бошқа эҳтиёжлар учун тушум ҳисобидан пул сарфлаш меъёрлари белгиланмайди.

Ташкилотларга тушумлар ҳисобидан нақд пул сарфлаш меъёрлари ҳақиқий эҳтиёжлар доирасида, аммо ҳисоб - китоб буюртмасида ўрнатилган чегара меъёрларидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Ташкилотлар пул тушумларини қўйидагиларга топширадилар;

- Банкнинг кундузги ва кечки кассаларига;
- Кейинчалик банкка топшириш учун инкассаторларга;
- Кейинчалик банк кассаларига топшириш учун ташкилотлар ҳузуридаги

бирлашган кассаларга.

Банк бўлимлари доимий пул тушумига эга бўлган корхоналар ва ташкилотлар ҳисобини махсус дафтарда олиб борадилар. Унда доимий пул тушумига эга бўлган савдо ва бошқа корхоналар, жумладан мустақил балансга эга бўлмаганлари ҳам қайд этиб борилади. Сотувчилари савдо корхоналари таркибига кириб, улар олдида моддий жавобгар бўлган ҳамда тушумни уларнинг кассаларига топширадиган палаткалар, киоскалар, павильонлар, буфетлар ва ш.к. қайд этилмайди.

Корхоналар ва ташкилотлар пул тушумини ўз вақтида топширишларини банк бўлимларининг иқтисодчилари назорат қиладилар. Ана шу назоратни амалга ошириш учун пул муамоласи бўйича иқтисодчилар дафтар асосида тушумни банкнинг кундузги, кечки кассаларига ҳамда почта орқали топширадиган корхоналар ва ташкилотлар бўйича рўйхатлар - назорат қайдномалари тузадилар ва уларни миждозларнинг ҳисобварақалари юритиладиган жойдаги банк бухгалтерларига ҳамда кечки кассаларнинг назоратчиларга топширадидилар. Бу бухгалтер ва назоратчилар корхоналар ва ташкилотлар бўйича тузилган ана шу назорат қайдномаларига тушум топширилганлиги ҳақида белги қўядилар.

Кейинги йилларда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан нақд пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши солиқ органлари томонидан амалга оширилмоқда.

Тушумни банк инкассаторлари орқали топширадиган корхоналар ва ташкилотлар доираси бўйича инкассация бўлими (гуруҳи) бошлиғи ҳар куни пул муомаласи бўйича иқтисодчига олдинги кунги тушумни топширмаган корхоналар ва ташкилотлар ҳақида сабаблари кўрсатилган малумотномани тақдим этади. Марказлаштирилган инкассация шароитларида ушбу маълумотларни инкассация бўлимлари банкнинг тегишли бўлимлари иқтисодчиларига тақдим этадилар.

Банк бўлимларининг иқтисодчилари ҳар куни инкассация бўлими тузган назорат қайдномаларини ва маълумотларини кўриб боришлари ҳамда олдинги кун топширилмай қолган тушумнинг ҳаммаси кундузги кассага албатта топширилиши, шунингдек бундан кейин топширмаслик ҳоллари юз бермаслиги учун чоралар кўришлари керак. Банк иқтисодчилари ушбу қайдномалар ва маълумотларда кўрилган чора-тадбирларни ёзиб қўядилар.

Банк муассасалари корхоналар ва ташкилотлар тушумларини топширишни кечиктирганликлари ёки топширмаганликлари тўғрисида уларнинг раҳбарларини жавобгарликка тортиш учун ҳокимликларга ахборот бериб турадилар.

Пул тушумларини бирлашган кассалар орқали топширадиган корхона ва ташкилотлар бўйича банк бўлимининг иқтисодчилари вақти-вақти билан бирлашган кассага тушумларни ўз вақтида топширилишини назорат қайдномасидаги касса ходимининг белгиси асосида текшириб боради.

Банк бўлимлари мулкчилик шаклидан қатъий назар, ўзларида ҳисобварақларига эга бўлган айрим савдо ташкилотлари бўйича савдодан тушган пулни инкассация қилишнинг аҳолини ой сайин ва йилнинг ҳар чорагида таҳлил қилиб борадилар.

Айрим савдо ташкилотлари бўйича савдодан тушган пулни инкассация қилишнинг аҳолини таҳлил этиш учун ҳисоб-китоб ўтказилиб, унда ташкилот чакана товар оборотининг ҳақиқий ҳажми ушбу ташкилотнинг ҳисобварағига келиб тушган пул (шу банк бўлимлари кассалари орқали, шу жумладан ҳисоб-китоб чекларининг тушиши ва товарлар учун омонотчиларнинг ҳисобварақларидан ўтказилган пуллар, бошқа банк бўлимлари кассаларига, почта орқали ўтказилган пуллар) миқдори билан солиштирилади. Аввало, ҳақиқий тушум суммасига банкнинг ҳисобот маълумотлари бўйича савдонинг тушуми миқдоридан тузатиш киритилади. Бу иш олдинги чоракдан (ойдан) ўтган суммани чиқариб ташлаш ва кейинги чоракка (ойга) утган тушумни кушиш йўли билан амалга оширилади. Чорак давомида савдо тушумининг инкассациясини таҳлил қилиш учун савдо ташкилотлари кассасининг обороти ва аҳолига кредитга товарлар сотиш ҳақидаги ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади.

Мазкур ҳисоб-китоб натижасида товар айланмасининг инкассация қилинмайдиган қисми чиқарилади ҳамда унинг миқдори қанчалик асосланганлиги, хусусан, савдо корхоналари тушган пулдан сарфлаш ҳуқуқидан қанчалик тўғри фойдаланаётганликлари, майда улгуржи обороти ва товарларни кредитга сотиш ҳажмларини ўзгартиришнинг сабаблари ва қонунийлиги кўриб чиқилади; пулларнинг асоссиз муқобил оборотларини тўхтатиш, кассада пул сарфлаш меъёрларига, товар майда улгуржи савдо қоидаларига ва товарларни кредитга сотиш тартибига риоя этиш чоралари кўрилади.

Бутун туман бўйича савдо тушумини инкассация қилишнинг аҳволини таҳлил этиш учун банк бўлимлари товар обороти ҳамда савдо тушумининг барча манбалар орқали келиши ҳақидаги ҳақиқий маълумотларни, тушумнинг инкассация қилиш фоизини хомчут қилинган маълумотлар билан таққослайдилар.

Банк бўлимлари таҳлил натижалари бўйича тегишли савдо корхоналари ва ташкилотлари раҳбарияти олдига талаблар кўядилар, зарур ҳолларда юқори ташкилотларнинг муҳокамасига нақд пулларнинг асоссиз муқобил оборотларига барҳам бериш хусусида, ва ҳал қилиниши натижасида банкка савдо тушуми хомчўт қилинган ҳажмда келиб туришини таъминлайдиган бошқа масалалар юзасидан таклифлар киритадилар.

Савдо қоидалари ва пул топшириш тартиблари қўпол равишда бўзилганда, ушбу ҳолат юзасидан солиқ идораларига ва зарур ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилади.

Марказий банкнинг Бош бошқармалари савдо тушуми инкассациясининг ҳисоб-китобларини бутун республика, вилоят, шаҳар бўйича ҳар ойда ва йил чорақлари бўйича амалга оширадилар.

Ҳақиқатда кирим қилинган тушум билан ҳақиқатда вужудга келган чакана товар айланмаси ҳажмига мувофиқ тушиши керак бўлган тушум ўртасида фарқ юзага келган тақдирда, бундай фарқнинг вужудга келиш сабаблари аниқланади ва банк кассаларига пул тушумини купайтириш чоралари кўрилади.

Бошқарма бўйича йил чорагидаги савдо тушумининг инкассацияси таҳлил қилинганда куйидаги маълумотлардан фойдаланилади: савдо ташкилотларининг касса обороти тўғрисидаги ҳисоботи, пули олдиндан тўланган обуна бўйича тарқатиладиган вақтли матбаа нашрларининг қиймати тўғрисидаги ҳисобот, кейинчалик тарқатиладиган вақтли матбаа нашрлари учун тушган обуна ҳақи ҳақидаги маълумотлар.

Барча хўжалик субъектларига нақд пуллар, уларнинг мулкчилик шаклидан қатъий назар, қонуний тартибда ўрнатилган, шунингдек фақат меҳнат ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, пенсия, нафақа, стипендия, хизмат сафари ҳаражатларини тўлаш учун берилади.

Банклар улардан нақд пул тушуми манбалари ва пул сарфлашнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида маълумотлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Барча ташкилотларга касса хизматини Марказий банкнинг махсус рухсатномасига (лицензиясига) эга бўлган тижорат банклари муассасалари кўрсатади.

5.2. Инкассация хизматини ташкил этиш

Пул тушумларини турли хил йўллар билан банк кассасига топширилиши инкассация деб юритилади.

Бугунги кунда пул тушумлари куйидаги тартибда инкассация қилинади:

- тўғридан – тўғри банк кассасига (кундўзги ва кечки) хўжаликлар томонидан нақд пулларни топшириш;
- инкассаторларга – кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун;

- ташкилотлар қошидаги бирлашган кассаларга – кейинчалик банк муассасаларига топшириш учун;

- алоқа корхоналарига – банк муассасалари ҳисобрақамларига ўтказиш учун топширишлари мумкин;

- ХБ муассасаларига – кейинчалик банк муассасасига ўтказиш учун.

Хўжалик субъектлари нақд пул қолдигининг белгиланган лимитидан ортиқча бўлган қисмини ҳаммасини банк муассасаси билан келишилган тартибда ва муддатларда ўзининг банкидаги ҳисобрақамларига киритиш учун юқоридаги йўллар билан банкка топширишлари шарт.

Пул тушумларини ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши бўйича доимий назорат ўрнатилган. Бу назорат солиқ ташкилоти томонидан олиб борилади. Банклар томонидан назоратни олиб бориш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

Ҳар бир банк муассасаси доимий тушумга эга бўлган корхона, ташкилотлар рўйхатини тўзиб, унга асосан кунлик пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назорат олиб боради.

Доимий пул тушумига эга бўлмаган ташкилотларга эса улар раҳбарлари билан келишилган ҳолда пул тушумларини топшириш тартиби ва муддатларини белгилаб беради.

Мамлакатда хўжалик юритувчи субъектларнинг пул тушумини инкассация қилиш ва банк бўлимлари ўртасида қимматликларни ташиш ЎзР МБ ҳўзуридаги хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмасининг ҳудудий бошқармалари ва бўлимлари томонидан ЎзРсининг амалдаги қонунларига мувофиқ томонлар тўзган шартномалар асосида амалга оширилади.

Бу шартнома уч томонлама, банк, мижоз ва инкассация хизмати ўртасида тўзилади. ЎзР МБ ҳўзуридаги хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмаси мустақил хўжалик ҳисобидаги ташкилот бўлиб, у ўз низоми асосида иш юритади.

Инкассация хизмати ходимлари тегишли тартиб қоидалар асосида ишга қабул қилиниб, улар билан шартнома тўзилади.

Нақд пул маблағларини инкассация қилиш хизматлари хўжалик юритувчи субъектлардан воситачилик тўловларини ундирилмаган ҳолда пул тушумларини инкассация қиладилар. Кейинчалик ушбу ишлар билан боғлиқ ҳаражатлар банклар томонидан банк бўлими ва инкассация хизмати ўрталарида тўзилган икки томонлама шартнома асосида инкассация хизмати ҳар ойда тақдим этадиган тўлов ҳисоблари бўйича қопланади.

Инкассаторлар томонидан пул тушуми йиғиладиган хўжалик субъектлари рўйхати махсус китобда рўйхатга олинади ва компьютерларга киритилади.

Ҳар бир хўжалик субъекти учун ҳар ойда ташриф варақаси тўзилиб, унга субъект рўйхатга олинган рақам берилади. Пул тушумининг ҳажмига қараб, хўжалик субъектларига тегишли тартибда зарур ҳалталар сотилади.

Хўжалик субъекти томонидан план бир (хўжалик субъектининг қисқартирилган номи ёзилган)ни 3 нусхада банкка тақдим этиши керак.

Ҳар бир хўжалик субъекти инкассаторларга пул топшираётганда ҳалталарга илова қайдномасини 3 нусхада ёзиб берадилар.

1-нусха – инкассация ҳалтасига

2-нусха- инкассаторга

3-нусха-мижозда қолади.

Пул солинган ҳалтани қабул қилишдан аввал инкассатор пул топширувчига фотосуръати бўлган шахсий гувоҳномасини, пул тушумини олиш учун тегишли шаклдаги ишончномани, ташриф варақасини тақдим этиши керак. Пул топширувчи жавобгар шахс инкассаторга пул солинган ҳалтани топширишда ташриф варақасида кўзда тутилган барча ёзувларни қайд этади.

Пул солинган халталарни қабул қилиб олишда инкассатор қўйидагиларни текширади:

- халтанинг яроқлилиги ва бутлиги;
- унинг тўғри пломбирланганлигини (пломба изининг аниқлиги ва наъмуна билан бирлиги);
- қабул қилинаётган ва топширилаётган халталарнинг рақамлари ташриф варақасида, юкхатда ва квитанцияда кўрсатилган рақамларга мос келишини;
- хўжалик юритувчи субъектнинг жавобгар шахсини юкхат ва квитанцияларга имзо қўйганлигини;
- ташриф варақасида кўрсатилган пул тушуми суммасининг юкхат ва квитанциядаги ёзувларга мос келишини ҳамда рақам ва сўз билан ёзилган суммаларнинг ўзаро мос келишини;
- квитанциянинг 3-нусахасига имзо қўйиб, унга сана, қабул қилиб олинаётган халтанинг рақамини ёзиб, йўналиш мухрини босади. Шундан сўнг хўжалик юритувчи субъектнинг жавобгар шахсига бўш халтани беради.

Банкларга олиб келинган пул тушумли халталарни инкассаторлар банкнинг кечки кассасига назоратчи – бухгалтерга топширадилар. Халталар тегишли дафтарларга имзо қўйилган ҳолда топширилади. Ўз навбатида кассир нақд пул солинган халталарни қабул қилиб олишда қўйидагиларни текширади:

- пул солинган халталарнинг бутлиги (йиртиқ, ямоқ)
- пломбир изининг аниқлиги ва тасдиқланган намуналарга мос келиши;
- халталар рақамларининг юкхатларда кўрсатилган рақамларга мос келиши;
- танга солинган қопларнинг сони, тушумнинг умумий суммаси юкхатларда кўрсатилганига мос келиши ва бошқалар.

Агар нуқсонли халта аниқланса, у ҳолда кассир, назоратчи бухгалтер ва инкассатор иштирокида халта очилиб, унинг ичидаги қимматликлар саналади. Камчилик аниқланса 3-нусада далолатнома тўзилади. Унга барча қатнашган шахслар имзо қўядилар.

1-нуса-банк йиғма жилдига

2-нуса- тергов органларига

3-нуса-пул топширган хўжалик субъектига берилади.

Пул тушумларини ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш ва банкдан ташқари муомаласини қисқартириш бўйича ВМ №280 (5.08.02 й. даги) сонли қарорига асосан инкассаторлик гуруҳи таркибига ДС хизматининг ходимини киритиш мажбурий қилиб белгиланди. Бу эса пул муомаласини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

5.3. Эмиссия операцияларини ташкил этиш

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки мамлакатда пул муомаласини тартибга солувчи ягона банк ҳисобланади. Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири бўлиб эмиссия операцияси ҳисобланади. “Эмиссия” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “Миқдор” деган маънони билдиради. Бугунги кунда эмиссия операциялари нафақат муомалага пул чиқариш ва олиш балки сохта пулларни аниқлаш каби ишларни ўз ичига олади.

Барчага маълумки, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ягона эмиссия ва захира банки ҳисобланади. Унга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пулни муомалага чиқариш ва муомаладан қайтариб олишнинг ягона ҳуқуқи берилган. У томонидан Ўзбекистон Республикаси банклари уртасида нақд пул бирлигини бошқариш тартиби амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий функцияларидан бири пул эмиссияси вазифасини бажаришдир, яъни муомалага пул чиқариш ва муомиладаги ортиқча пул белгиларини муомиладан олиш Марказий банкка юклатилган. Эмиссия операцияларини бажариш учун пул захира фондлари бўлиши лозим.

Марказий банк эмиссия операцияларини бажариш мақсадида, Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бошқармаларида ҳисоб – китоб – касса марказлари ва уларнинг филиалларини очади. Бунда банкларни нақд пул билан таъминлаш ва улардан лимитдан ортиқча бўлган касса колдикларини қабул қилиш учун Марказий банк рухсати билан пул билетлари метал тангаларнинг захира фондлари ташкил этилади.

Нақд пул билетлари ва тангалар кўринишида бўлади. Марказий банк пул билетлари ва тангаларининг захира фондлари унинг рухсати билан ҳисоб китоб касса маркази ва уларнинг филиалларидаги пул омборларида ташкил этилади. Рухсат олиш учун Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари Марказий банкнинг эмиссия касса операциялари департаментига рухсат бериш тўғрисидаги захира фондини очиш зарурлигига асосланган илтимоснома ва пул омборининг тулдирилган паспортини тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси захира фондларини очиш тўғрисидаги материалларни куриб чиқади. Бойликлар сақланиши, уларга доир операциялар бажарилишини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларида курсатилган меъёрларга мувофиқ таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт – шароит мавжудлигини текширади. Шундан сунг захира фондларини ташкил этиш учун рухсатномани беради. Шу билан бирга захира фондларининг лимитлари ҳам белгилаб берилади.

Захира фондларининг белгиланган лимитидан ошиб кетишига рухсат этилади. Захира фондларининг лимит кўринишидаги ҳажми қуйидаги тартибда белгиланади:

Марказий банк захира фондлари лимитини бутун республика бўйича тасдиқлайди ва марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари захира фондлари лимитини белгилайди, шу билан бирга Марказий банк тасарруфидаги Ҳудудий бош бошқармалари белгиланган захира фондлари лимити доирасида ҳисоб – китоб касса марказлари ва уларнинг филиаллари учун захира фондлари лимитини белгилаб боради.

Бунда захира фондларининг белгиланган лимити пул билетлари бўйича – банк кассасидан бир ойда олинган нақд пулнинг уртача миқдоридан, тангалар бўйича ярим йиллик уртача чиқимдан кам булмаслиги керак.

Захира фондларига қушимча олинган пул билетлари ва тангалар захира фондлари ҳисобига илова ҳужжатларида курсатилган миқдорда тулик киритилади.

Ҳисоб-китоб касса марказининг захира фондларининг эскирган пул билетлари қолдиғи белгиланган лимитга киритилмайди. Захира фондлари темир жавонларда ва пулат сейфларда сақланади.

Пул билетлари ва тангаларнинг захира фондлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ихтиёрида бўлиб, фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқаруви раисининг ёки бошқарув раисининг ўринбосарининг муомалага пул чиқариш ёки уларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бошқа минтақавий ҳисоб-китоб касса марказларига жунатиш ҳақидаги ёзма курсатмаси асосида сарфланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк Бошқармаларининг раҳбарлари захира фондларини тасарруф этадилар. Минтақавий ҳисоб - китоб касса марказларининг филиаллари раҳбарлари эса уларни лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ асосида захира фондларига доир операцияларни амалга оширадилар. Марказий банк бош муассасасида захира фондларида сақланувчи пул билетлари ва тангалар шу муассаса раҳбарлари, бош бухгалтер ва касса мудирларининг бевосита жавобгарлигида бўлади. Захира фондлари баъзан тулдирилиб турилади.

Марказий банк минтақавий ҳисоб – китоб касса марказларининг пул билетлари ва тангалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг фармойишига қура Ўзбекистон Республикаси ичидаги бошқа ҳисоб – китоб касса марказларининг захира фондларини тулдириш учун юборилиши мумкин. Захира фондларига қушимча олинган пул билетлари ва тангалар захира фондларига илова ҳужжатларида курсатилган миқдорда тулик киритилади. Захира фондлари ҳисобига киритилишидан олдин пул билетлари ва тангалар

белгиланган тартибда боғлаб, дасталаб ва устки ёрликлардаги ёзувлар бўйича текширилиб чиқилади. Агар пуллар тартибсиз уралган бўлса, улар қайта саналади. Пул ортиқча чиқиши ҳам мумкин, ортиқча чиққан пул суммаси канчалигидан қатъий назар, пул олувчи банкнинг оборот кассасига киритилади ва банк даромадига кирим қилинади. Аксинча камомад чиқса, камомад суммаси оборот кассаси ҳисобидан копланди ва жунатувчи банкнинг айбдор шахсларидан ундириб олиш учун алоҳида олиши лозим бўлган ҳисобвараққа кирим қилиб қўйилади. Пул белгиларининг ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги, туловга яроқли ёки яроқсиз эканлиги ҳам текширилади. Қалбаки пул билетларини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг махсус кўрсатмаларига амал қилинади.

Заҳира фондларининг лимити қуйидагича белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки заҳира фондлари лимитини умуман республика бўйича тасдиқлайди. Шу билан бирга марказий банк бошқармалари ва марказий банкнинг минтақавий ҳисоб – китоб касса марказлари учун заҳира фондлари лимитини белгилаб беради.

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқармаси белгиланган заҳира фондлари лимити доирасида ўзига буйсинувчи ҳисоб – китоб – касса марказлари учун заҳира фондлари лимитини белгилаб беради. Бунда заҳира фондларининг белгиланган лимити пул билетлари бўйича банк муассасаси кассасидан бир ойда олинган нақд пулнинг уртача миқдоридан, тангалар бўйича ярим йиллик уртача чиқимдан кам бўлмаслиги керак.

Ҳар бир банкнинг оборот кассасига лимит урнатилади. Оборот кассаларига лимит қуйидаги тартибда белгиланади:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бутунлай республика бўйича айланма кассалар лимитини белгилайди;

- Марказий банк вилоят бош бошқармаларининг бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Марказий банк бошқармаси, Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиқлари Марказий банк бошқаруви тасдиқлаган айланма кассаси лимити доирасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳисоб–китоб касса марказлари оборот кассалари ва тижорат банклари бошқармаларининг операция кассаларининг лимитларини белгилайди. Яъни, Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармаси Марказий банк тасдиқлаган айланма кассаси лимити доирасида ҳисоб – китоб касса маркази ва улар филиалларининг айланма кассалари лимитларини белгилайди. Айланма касса лимитлари кун охирида белгиланади. Белгиланган лимит суммаси қайд этилади ва унга банк раҳбари, бош бухгалтери, касса мудирининг имзо чекади.

Барча мулкчилик шаклидаги тижорат банкларининг айланма кассалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг руҳсатномасига қўра очилади.

Айланма кассаларидан заҳира фондларига пул қўйиш топшириқлари қуйидаги тартибда белгиланади:

- Марказий банк айланма кассасидан заҳира фондларига пул қўйиш юзасидан Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармаларига топшириқ белгилайди;

- Марказий банк тасарруфидаги ҳудудий бош бошқармалари марказий банкдан олинган топшириқ суммаси доирасида банкларга нақд пулларни операция кассасидан ҳисоб – китоб касса марказининг айланма кассасига қўйиш бўйича топшириқ белгилайдилар.

Банк муассасалари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хусусий шахсларга кассага келатган пуллар ҳисобидан, шунингдек, операция қўни бошида айланма кассаларида мавжуд бўлган пул қолдиғи ҳисобидан нақд пул берадилар.

Мавжуд бўлган пул маблағлари яқин кунларда амалга оширилиши лозим бўлган туловлар учун етарли бўлмаса ҳисоб – китоб касса маркази Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар бошқармаларидан оборот кассаси учун етмаётган сумма миқдоридан пул сурайдилар. Ўзбекистон Республикаси

Марказий банки ва Марказий банк бошқармасининг айланма кассасига маблаг бериш учун хисоб – китоб – касса марказларининг буюртманомаларини олгач, айланма кассаларига маблаг беришга рухсат бериш масаласини куриб чиқади ва буюртма бўйича тижорат банкларига берилиши лозим бўлган нақд пул суммасини белгилайди.

Тижорат банклари филиаллари оборот кассаларини нақд пул маблағлари билан таъминлаш тижорат банкнинг вакиллик хисобварақларидаги маблағлар доирасида, зарур холларда Марказий банк Худудий Бош Бошқармасининг Хисоб – китоб – касса марказларидаги захира жамғармаларидан фойдаланган холда чекланмаган миқдорда амалга оширилади.

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси зарур холларда ўзининг оборот кассасини Марказий банкнинг захира жамғармасидан зарур миқдорда нақд пуллар билан таъминлашга рухсат сураб Марказий банка мурожаат қилиши мумкин. Нақд пул билан таъминлаш хақидаги телеграммалар Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси раҳбари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Пул муомаласи департаментига юборилади. Оборот кассасини нақд пул билан таъминлаш хақидаги телеграммада қуйидагилар курсатилади:

- бешта белгидан иборат назорат рақами, бунда дастлабки Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасига нақд пул бериш хақидаги охириги марта олинган рухсатнома рақамининг охириги учта рақамига тугри келади, охириги икки рақами эса телеграмманинг рақамига тугри келади.

- оборот кассасини таъминлаш хақида буюртма (код билан)

- таъминланиши зарур бўлган нақд пул суммаси (код билан)

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасини таъминлаш хисоб – китобини тижорат банкларининг буюртмаларини хисобга олган холда амалга оширади .

Оборот кассасини Марказий банк захира жамғармасидан нақд пул билан таъминлаш бўйича рухсатнома буйруқ асосида захира жамғармаларини тасарруф этиш ҳуқуқи берилган Марказий банк раисининг уринбосари томонидан имзоланади.

Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасидан тижорат банкларининг оборот кассаларига нақд пулларни етказиш « Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва кимматликларни ташишга доир йуриқнома »га мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки таркибий булинмалари Марказий банк Худудий Бош Бошқармаси оборот кассасини нақд пул билан мустаҳкамлаш бўйича буюртмалар, берилган рухсатномалар ва уларнинг ишлатилиши бўйича хисобини юритадилар.

Муомалага пул чиқариш учун эмиссия рухсатномасига қуйидагилар томонидан имзо чекилади:

а) Марказий банкда - Марказий банк раиси;

б) Марказий банк тасарруфидаги худудий бош бошқармаларида – бош бошқарма бошлиги.

Эмиссия рухсатномалари – Марказий банк тасарруфидаги худудий бош бошқарма бошлигига пулларни захира фондларидан айланма кассасига олинган рухсатномалар бўйича курсатилган суммалар доирасида утказишга рухсат бериш, хисоб – китоб касса марказлари директорларига пулларни захира фондларидан айланма кассасига Марказий банк тасарруфидаги худудий бош бошқармаларининг муҳри босилган ҳар бир рухсатномаларнинг суммаси доирасида утказиш ҳуқуқларини беради. Захира фондларидан оборот кассага пул утказиш учун берилган эмиссия рухсатномаларида пулнинг банкноталар ва тангаларга ажратилган умумий суммаси кўрсатилади. Марказий банк хисоб – китоб касса марказининг раҳбари нақд пул оборотига бўлган эҳтиёжга қараб муомалага банкноталар ва тангаларни чиқариш нормасини белгилайди. Захира фондларидан оборот кассасига пул утказиш учун эмиссия рухсатномаларидан Марказий банк бошқармалари рухсатномани олган кундан ташқари 10 иш куни давомида, Марказий

банкнинг ҳисоб китоб касса марказлари рухсатнома олинган кундан ташқари 4 иш куни давомида тулик ёки қисман фойдаланишлари мумкин.

Энг аввал, олинган эмиссия рухсатномасининг мазмуни ва тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш ҳамда код тугри талқин этилишини таъминлаш талаб этилади. Эмиссия рухсатномасидаги сумма назорат калити билан солиштирилади. Эмиссия рухсатномасининг номери, мансабдор шахсларнинг имзолари борлиги текширилиб курилади. Шундан сунг Ушбу эмиссия рухсатномаси ҳисоб – китоб марказларида юритиладиган махсус дафтарга руйхатга олинади. Шу дафтарда захира фондларидан олинган пул суммаси кайд этилади.

Тижорат банклари оборот кассасига керакли пул маблағларини олиш учун Марказий банкнинг Вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар бош бошқармасининг пул муомаласи бўлимига олдиндан буюртма берадилар ва эмиссия рухсатномаси асосида нақд пулни марказий банкнинг ҳисоб касса марказининг оборот кассасидан ёки инкассаторлар орқали оладилар. Операция кассасининг қолдиғи лимитдан ошиб кетган тақдирда тижорат банки муассасасининг мансабдор шахслари айнан шу пулни операция кассасининг лимитдан ортқча қолдиғини Марказий банк ҳисоб – китоб касса марказининг оборот кассасига топширишларини ташкил этишлари ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қошидаги инкассация бирлашмасининг инкассаторлари орқали бошқа тижорат банкни қўшимча маблағ билан таъминлашни ташкил этишлари лозим. Операция кассасининг қолдиғи ҳеч вақт лимитдан ошиб кетмаслиги мақсадга мувофиқдир. Эмиссия рухсатномасисиз муомалага пул чиқариш, муомалага эмиссия рухсатномасида кўзда тутилган суммадан куп миқдорда ва рухсатномадан фойдаланиш муддати тугагандан сунг пул чиқариш, захира фондларига пул утқизиш топшириқларининг бажарилмаслиги, айланма кассалари лимитининг ошиб кетиши эмиссия - касса интизомини бўзиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда ҳудудий Бош бошқармалари ҳисоб – китоб - касса марказларида эмиссия операциялари ҳисобини юритиш ва назоратини олиб бориш учун, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига мувофиқ кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари очилган.

Ҳозирги кунда республикамизда эмиссия касса операцияларини олиб бориш ишлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида касса ишини ташкил этиш ва қимматликларни ташишга доир йуриқномага мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда.

VI боб. Пул муомаласини прогнозлаштириш

6.1. Пул муомаласини прогнозлаштириш муаммолари

Бизга маълумки, пул муомаласи пулнинг доимо айланишда булиши, ўз вазифаларини ўзлуксиз бажариб туриши орқали намоён булади. Яъни нақд ва нақд булмаган пулларнинг ўз вазифаларини бажаришидаги ҳаракати пул муомаласини келтириб чиқаради.

Ҳар бир давлатда пул муомаласи маълум қонун ва қоидалар асосида тартибга солиб турилади. Олдинги марказлашган, режали бошқарувга асосланган иқтисодий тизимда пул муомаласи режалаштириш асосида бошқариб келинган. Жумладан,

аҳолининг даромади ва ҳаражатлари давлат томонидан мувофиқлаштирилиб турилган. Яъни, товар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига кредитга товарлар бериш, баҳолар тизимини ўзгартириб туриш ва ҳоказолар орқали.

Барча жараёнлар давлат томонидан бошқарилгани учун пул муомаласи қонуни бўзилганда давлат ўз валюта доирасида нархларни ўзлаштириш, пул реформаси билан пул муомаласини тартибга солиб келган. 1991 йилгача Собик иттифоқ ҳудудида пул муомаласини ташкил қилиш ва режалаштириш аҳоли даромад ва ҳаражатлари баланси ҳамда касса ва кредит режалари асосида амалга ошириб келинган.

Бутун Мамлакат ва Республикалар миқёсида баланс икки булим бўйича кенг жараёнларни ўз ичига олган ҳолда ишлаб чиқарилган. Балансда аҳоли даромади ва ҳаражатларининг тақсимои ижтимоий гуруҳлар: ишчи ва хизматчилар, колхозчилар бўйича курсатилган.

Балансининг А қисмида аҳолининг давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларидан оладиган даромадлари, ҳамда шу даромадлар ишлатилишининг асосий йўналтиришлари акс эттирилган. Б қисмида эса аҳоли гуруҳлари орасида товарлар сотиш ва хизматлар курсатиш билан боғлиқ бўлган пулли даромад ва ҳаражатлар ҳисобга олинган.

Аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари балансини тўзишдан асосий мақсад аҳолининг булиши мумкин бўлган пулли даромад ва ҳаражатларини иқтисодий асосланган прогнозлар қилишдан иборат. Балансининг нақд пул айланишини ташкил топишидаги аҳамияти шу билан белгиланган.

Мамлакатдаги нақд пулларнинг муомаласи кулами асосан аҳоли пул даромадларини таркиб топтириш жараёни ва уларнинг кейинчалик муайян мақсадга йўналтириши билан чегараланган. Балансда муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашда қулланиладиган курсаткичлар акс эттирилган. Балансда асосан аҳоли томонидан товарларни харид қилиш учун мулжалланган аҳолининг харид фонди аниқланади.

Аҳоли даромадлар ва ҳаражатлар балансида даромадларнинг ҳаражатлардан кўпроқ булиши аҳолининг қулида нақд кўпайганлигини, ҳаражатларнинг даромадлардан устун булиши эса аксинча, аҳоли қулидаги нақд пул қолдиғининг камайишини билдиради.

Аҳоли даромад ва ҳаражатларини мувозанатлаш халқ истеъмоли учун зарур бўлган товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аҳолига пулли хизмат курсатувчи корхоналар фаолиятини ривожлантириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш зарурлигини ифода этади.

1991 йилдан бошлаб, аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари балансини ҳисоблаш қуйидагича қискартирилган шаклда тўзила бошланди.

1-жадвал

Аҳоли даромади ва ҳаражатлари баланси

№	Даромадлар	№	Ҳаражатлар
1.	Иш ҳақи	1.	Товарлар учун туловлар
2.	Иш ҳақи даромадлари шу жумладан, жамоа ва шахсий томорқа ҳужаликларидан даромадлар	2.	Хизматларга ҳақ тулаш
3.	Пенсия, стипендия ва нафақалар	3.	Мажбурий туловлар ва ихтиёрий бадаллар
4.	Молия-кредит тизимларидан тушумлар	4.	Қуйилмаларга ўтказиладиган тўловлар
5.	Дивидентлардан даромадлар	5.	Акция облигацияларни харид қилиш ва кечиктирилган тўловларни қошлаш
6.	Бошқа даромадлар	6.	Бошқа ҳаражатлар

	Жами		Жами
--	------	--	------

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, баланс икки қисмдан иборат бўлиб, даромадлар ва ҳаражатларни ўзида ифода этган, бунда аҳоли даромадларининг асосий қисмини иш ҳақи, ҳаражатларникини эса –товарларни харид қилиш ташкил қилади.

Ўз навбатида аҳоли даромадларининг ҳаражатларидан ошиши аҳоли қулидаги пул қолдиғининг ортишини курсатади.Бу ҳол аҳоли даромад ва ҳаражатларини баланслаштириш бўйича қатор талаблар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни талаб қилади.

Мамлакатимизда 1993 йилда аҳоли даромад ва ҳаражатлар балансида жиддий ўзгаришлар юз берган, яъни даромад ва ҳаражатлар орасидаги фарқ янада чуқурлашган. 1993 йилда иш ҳақи минимал миқдорининг уч ойликлараро қайта курилиши ва барча турдаги ҳамда бошқа ижтимоий туловлар индексациялаштирилиши натижасида аҳолининг пул даромадлари 1992 йилга нисбатан бир неча марта ошди.

Барча ошган пул даромадларининг асосий қисми иш ҳақиға, пенсия, стипендия ва нафақаларға, молия ва кредит тизимидан тушумларға ва бошқа даромадларға туғри келган. Оилаларнинг пул ҳаражатлари асосан жорий истеъмолға қаратилган, масалан биринчи ярим йилликда аҳолининг товарлар харид қилиш ва хизматларға ҳақ тулашға барча ҳаражатларнинг етмиш фоизға яқини сарф қилинган.

1991 йилдан бошлаб мамлакатимизда кредитни режалаштириш ва касса режаларини тўзишдан касса айланишларини тўзишға утилди.

Касса айланишларини тўзишдан асосий мақсад нақд пулға бўлган эҳтиёжни бутун республика ҳудудлар ва банк муассасалари бўйича аниқлаш, ҳамда пул муомаласини барқарорлаштириш тадбирларини ишлаб чиқишни амалға оширишдан иборат.Касса айланишлари прогнози барча нақд пулларнинг банк кассаларига келиб тушиш манбалари ва ҳажмини, корхоналар ва ташкилотлар, муассаса ва алоҳида шахсларға бериладиган барча нақд пулларнинг миқдори ва уларнинг қандай мақсадға йуналтирилганлигини, ҳамда эмиссия натижаси, яъни пулни муомалаға чиқариш ёки муомаладан олиш ҳолатини ўзида акс эттиради.

Марказий банклар томонидан миллий валюта, нархлар барқарорлиги ва иқтисодий қсишни таъминлаб туриш мақсадида муомаладаги пул массаси миқдори тартибға солиб турилади. Пул массаси ўз навбатида банк тизимининг мажбурияти булиб, муомаладаги нақд пуллар талаб қилиб олингунча депозитлар,муддатли депозитлар, жамғарма депозитлари ва хорижий валютадаги депозитларни ўз ичига олади.

Бу жараёнда барча тижорат банкларнинг касса айланишини прогнозлаштириш бўйича амалға ошириладиган фаолиятининг асосий вазифаси – тўзиладиган ҳисоб-китобларнинг имкон қадар ҳаққонийлигига эришиш ва банкларға пулнинг келиб тушиш салмоғи ва тезлигини купайтириш, эмиссия билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар салмоғини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Касса айланишлари прогнозининг шартли тасвири.

Кириш моддалари	Рамзлар
Якка тартибдаги тадбиркорлардан тушган тушумлар	01
Истеъмол товарларини сотишдан тушган савдо тушумлари	02
Автотранспорт воситаларини сотишдан тушган тушумлар	03
Умумий овқатланиш корхоналаридан тушган тушумлар	04
Темир йқл ва ҳаво транспортдан тушган тушумлар	05
Маҳаллий транспортдан тушган тушумлар	06
Телефон хизматлари учун тушган тушумлар	07
Уй-жой ҳақлари ва коммунал хизмат тўловларидан тушган тушумлар	08
Томошагоҳ ташкилотлардан тушган тушумлар	09
Лоторея билетлари ва бошқа пул-буюм ютуқли қйинлардан тушган тушумлар	10
Маиший ҳамда медицина, соғломлаштириш ва сайёҳлик хизматларидан (шу жумладан болалар муассасаларидан) тушган тушумлар	11
Солиқлар, йиғимлар, бож ва бошқа мажбурий тўловлардан тушган тушумлар	12
Қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлардан тушган тушумлар	13
Муқобил ҳарбий хизматни ўташ, мактаб ва ўқув юртларида ўқиш учун топширилган пуллар	14
Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига топширилган пуллар	15
Омонат ҳисоб рақамларига (автокредит омонатидан ташқари) топширилган пуллар	16
Почта алоқаси корхоналаридан тушган тушумлар	17
Банк пластик карточкасига кириш қилиш учун топширилган пуллар	18
Хўжалик субъектлари устав капиталини шакллантириш учун топширилган пуллар	19
«Автокредит» омонат ҳисоб рақамига топширилган пуллар	20
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларга берилган, лекин ишлатилмасдан қайтариб топширилган пуллар	28
Кредитлар ва уларнинг фоизларини қайтариш учун топширилган пуллар	29

Валюта айирбошлаш шахобчаларида чет эл валютасини сотишдан тушган «сўм»даги тушумлар	30
Қимматли қоғозларни сотишдан ва хусусийлаштиришдан тушган тушумлар	31
Бошқа тушумлар	32
<i>Жами кирим: (01-32- рамзлар бўйича)</i>	0
Тижорат банки бўлимига қарашли бошқа кассалардан келтирилиб (ўтказилиб), мазкур банк бўлими 10101-айланма кассасига кирим қилинган пуллар	33
Кун бошига МБ ҲББҲККМ кассасидаги нақд пуллар қолдиқлари	34
Кун бошига тижорат банки кассаларидаги нақд пуллар қолдиқлари	35
Тижорат банки айланма кассасидан келтирилиб, МБ ҲББ ҲККМ 10101 айланма кассасига кирим қилинган пуллар	36
МБ ҲББ ҲККМдан ёки тижорат банкдан келтирилиб тижорат банкининг 10101-айланма <u>кассасига кирим қилинган пуллар</u>	37
МБ заҳира фондидан ўтказилиб, МБ ҲББ ҲККМ 10101-айланма кассасига кирим қилинган пуллар	38
Тижорат банки (бўлими) барча (ички) кассаларидан келтирилиб (ўтказилиб), 10101-айланма кассадан ташқари, бошқа кассаларига кирим қилинган мадад пуллари	39
Жами: келтирилиб банк кассаларига кирим қилинган мадад пуллари (33-39 рамзлар бўйича)	(рамзсиз)
Ҳаммаси: кирим бўйича (01-39 рамзлар жами)	(рамзсиз)

Тижорат банклари уларнинг филиаллари ҳамда Марказий банк Худудий Бош Бошқармалари Ҳисоб-китоб касса марказлари томонидан амалга оширилган чиқим операциялари қуйидаги рамзларда акс эттирилади;

Чиқим моддалари	Рамзлар
Меҳнат ҳақиға (иш ҳақиға) берилган пуллар	40
Стипендияларга берилган пуллар	41
Хизмат сафари харажатлари учун берилган пуллар	42
Газ ва нефть маҳсулотларини сотиб олиш учун берилган пуллар	43
Топширилган тушумлар доирасида берилган пуллар	44
Маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи ва хизматлар кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорларга берилган пуллар	45
Қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларга берилган пуллар	47
Пенсия, нафақа ва суғурта қопламаси тўловларига берилган пуллар	50

Хўжалик субъектларига дивидентларни тўлаш учун берилган пуллар	51
Банк пластик карточкаларидан берилган нақд пуллар	52
Бошқа мақсадлар учун берилган пуллар	53
Нақд пулда берилган кредитлар	54
Омонат ҳисоб рақамларидан берилган пуллар	55
Валюта айирбошлаш шахобчаларида чет эл валютасини сотиб олиш учун қилинган «сўм»даги чиқимлар	57
Почта алоқаси корхоналарига берилган мадад пуллари	59
Жами чиқим: (40-59- рамзлар бўйича)	0
Тижорат банки (бўлими) барча (ички) кассаларига жўнатиш (ўтказиш) учун мазкур банк бўлими 10101-айланма кассасидан чиқим қилинган пуллар	60
Тижорат банки бўлими барча (ички) кассаларига жўнатиш (ўтказиш) учун, 10101-айланма кассадан ташқари, бошқа кассаларидан чиқим қилинган мадад пуллари	61
Кун охирига МБ ҲББ ҲККМнинг кассасидаги нақд пуллар қолдиқлари	69
Кун охирига тижорат банки (бўлими) кассаларидаги нақд пуллар қолдиқлари	70
Тижорат банки(бўлими)га мадад пули бериш учун МБ ҲББ ҲККМ айланма кассасидан чиқим қилинган пуллар	71
МБ ҲББ ҲККМга ёки тижорат банки(бўлими)га жўнатиш учун тижорат банки(бўлими)нинг 10101-айланма кассасидан чиқим қилинган пуллар	72
МБ захира фондига ўтказиш учун МБ ҲББ ҲККМ айланма кассасидан чиқим қилинган пуллар	73
Жами: Банк кассаларидан чиқим қилиниб, жўнатилган (ўтказилган) мадад пуллари (60-73 рамзлар бўйича)	(рамзсиз)
Ҳаммаси: Чиқим бўйича (40-73 рамзлар жами)	(рамзсиз)

Тижорат банклари ва МБ ҲББ ҲККМ кассаларида амалга оширилган барча нақд пул айланмалари (нақд пулларнинг кирим чиқими ва ҳаракати) 01-73 рамзлар орқали акс эттириб борилади.

Нақд пул маблағларининг кирим-чиқими ёки ҳаркати (кассадан кассага ўтказилиши, жўнатилишига) доир операцияларни тегишли рамзлар орқали акс эттириб боришда, (бир неча рамз ости гуруҳларга бўлинган рамз учун масалан 40 (00) рамз 40 (01), 40 (02) 40 (03) ва 40 (04) гуруҳ ости рамзларга бўлинган) фақат мос келувчи рамз ости гуруҳларидан (40 (01), 40 (02) 40 (03) ва 40 (04)) фойдаланиши мумкин.

Демак, бир неча рамз ости гуруҳларига бўлинган барча рамзларни асосий, бош (мисолимизда бу 40 (00) – рамз) рамзидан фойдаланишга руҳсат этилмайди. Рамз остига бўлинмаган барча рамзлар масалан 15 (00) –рамз бундан мустасно.

Касса кирим-чиқими ва айланмаларини тегишли рамзлар орқали акс эттиришда, амалга ошириладиган нақд пулга доир операциялар мазмунидан келиб чиққан ҳолда уларга мос келувчи рамзлар белгиланган тартибда танланиши лозим.

Касса айланиши прогнози натижасида ҳаражатларининг тушумдан ошиб кетиши муомалага қўшимча пул чиқариш зарурлигини, акс ҳолда муомаладан пулларни олиш кераклигини кўрсатади. Аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари баланси ва касса айланиши прогнози, пул муомаласини мувофиқлаштирувчи асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Бу иккала кўрсаткич асосий пул айланиши акс эттириш билан умумий бўлсада, улар ўртасида маълум фарқлар мавжуд:

1. Касса айланишида фақат нақд пул айланиши кўрсатилса, аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари балансида аҳоли амалга оширадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз айланиш тўла-тўқис кўрсатилади.

2. Аҳолининг пул даромадлари ва ҳаражатлари балансида касса айланиши прогнозидан фарқлироқ аҳолининг шахсий томорқа-хўжалиги, хунармандчиликдан ва бошқа кўрсатиладиган хизматлари бўйича оладиган даромадлари ва қиладиган ҳаражатлари кўрсатилади.

3. Аҳолининг пул даромадлари касса айланишининг ҳаражатлар қисмида аҳолининг ҳаражатлари касса айланишининг кирим қисмида ўз ифодасини топади. Касса айланиши прогнозини бажариш пул муомаласи барқарорлигини таъминлашда биринчи аҳамиятга эга бўлган мақсад ҳисобланади.

6.2 Касса прогнозини ҳисоб-китоб қилиш ва унга амал қилишнинг назорати

Ўзбекистон Республикасида нақд пул айланмасини прогноз қилиш мамлакатимиздаги банклар касса оборотлари прогнозини тўзиш йўли билан амалга оширилади.

Республикамиз Марказий банки ва МБ ҲББ, шунингдек тижорат банклари тегишли ҳудуд бўйича касса оборотлари прогнозини амалга оширади ва пул муомаласи ҳолатини таҳлил қиладди.

Республикамиздаги банклар, касса оборотларининг прогнози мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг тахмин қилинаётган ҳисоб-китоби ҳамда республика бюджети кўрсаткичлари асосида тўзилади.

Банклар касса оборотларининг чораклик прогнозини тўзиш учун банкда асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига эга бўлган юридик шахслардан касса буюртманомаларини оладилар.

Тижорат банкларининг филиаллари ва филиалга эга бўлмаган тижорат банклари прогноз қилинаётган чоракнинг бошланишидан 30 кун олдин асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатилаётган юридик шахслардан 1-иловадаги шакл бўйича касса буюртманомаларини оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Миллий хавфсизлик хизмати, фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ҳарбий қисмлари ва ташкилотлари (савдо ва томоша ташкилотлари бундан мустасно) банкларга прогноз қилинаётган чоракда тушадиган ҳамда бериладиган нақд пулларнинг умумий суммаларига доир маълумотларни маълум қиладилар. Банклар бу суммаларни касса оборотлари прогнозига «Бошқа тушумлар» ва «Иш ҳақига берилган нақд пуллар» моддалари бўйича киритадилар.

Касса оборотлари тушум манбалари ва чиқимлар таркиби бўйича 4-иловадаги шаклга мувофиқ қайдномада жамланади.

Касса буюртманомаларида кўрсатилган тўловлар суммаси юридик шахсларга фақат ушбу буюртманомалар чегарасида нақд пуллар берилишини аниқлатмайди.

Тижорат банкларининг филиаллари ва филиалга эга бўлмаган тижорат банклари юридик шахслар фаолиятининг прогноз ҳисоб-китоблари ҳамда пул тушумларини кўпайтириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг кассаларига тушадиган пулларнинг тўлиқ ҳисобга олинишига алоҳида эътибор бериб, юридик шахслардан олинган касса буюртманомаларини кўриб чиқадиладар.

Банклар юридик шахслардан олинган касса буюртманомаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича зарур бўлса ва мижозлар билан келишган ҳолда уларга аниқликлар киритадилар.

Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга депозит ҳисобварақлардан нақд пулларнинг ўзлуксиз берилиши тижорат банкларининг чорак, ярим йиллик ва умуман йиллик иш якунларини сарҳисоб қилишда улар фаолияти самарадорлиги ва ишончлилигини баҳолашнинг энг муҳим мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади.

